Президент ҳузурида қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 4 декабрь куни Россиянинг «Лукойл» нефть компанияси президенти Вагит Алекперов ҳамда ушбу компания вице-президенти Джеван Челоянцни қабул қилди.

— Сиз раҳбарлик қилаётган компания нефть қазиб олиш бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини эгаллайди, — деди Ислом Каримов учрашувда. — Биз «Лукойл»-ни жиддий ва обрўли нефть компанияларидан бири, деб биламиз.

Давлатимиз раҳбари меҳмонлар билан мулоқот чоғида Ўзбекистон нефть-газ саноатининг салоҳияти, уни ривожлантиришда хорижлик шериклар билан йўлга қўйилаётган ҳамкорлик алоқалари, мамлакатимизнинг нефть-газ саноати соҳасидаги имкониятлари ҳақида сўзлади. Хусусан, Ўзбекистон заминининг олтмиш фоизида нефть ва газ заҳиралари борлигини қайд этди. Шу маънода «Лукойл» билан ҳамкорлик ўрнатиш икки томон учун ҳам бирдек фойдали бўлишини таъкидлади.


Россиялик меҳмонлар Ўзбекистон нефть ва газ саноати ходимлари сўнгги бир неча йил ичида улкан ютуқларни қўлга киритганини айтиб, мазкур учрашув тажриба алмашиш, қўшма лойиҳалар ишлаб чиқишга киришиш учун катта имкониятлар очажагини таъкидлаб ўтишди.

Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан «Лукойл» компанияси ўртасида ҳамкорлик билан боғлиқ ҳамда томонларни қизиқтирган бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Қабул маросимида «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси раиси И. Зайнутдинов иштирок этди.

(ЎзА)

Суратда: қабул пайти Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган суратлар



Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 5 декабрь, шанба • № 145 (24.382).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

«Магнум»лар дала кезар

Навоий вилоят «Агромашсервис» ҳиссадорлик жамиятлари бирлашмаси ташаббуси билан туманларга яна 17 та АҚШда ишлаб чиқарилган «Магнум» тракторлари келтирилди. Кузги-қишки тадбирларни амалга ошираётган деҳқонларнинг оғири анча енгиллашди. Айни пайтда вилоят хўжаликларида Хориж техникасининг сони 50 тага етди. Қулай ва унумдор бундай техникадан йил охиригача яна 20 та келтириш мўлжалланмоқда.

Музаффар ШАРОПОВ

Санъат кўргазмаси

Қашқадарё вилоят бадиий ижодкорлар уюшмасининг «Бола кўзларида олам мужассам» деб номланган тасвирий-амалий санъат кўргазмаси кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Кўргазмада вилоятнинг турли ерларида яшаб ижод қилаётган ёш рассом, халқ ҳунарманд усталарининг асарлари намойиш қилинди. Ҳакамлар ҳайъати Шаҳрисабз халқ амалий санъати лицейи талабаси Масъуд Ҳолов, Қаршидаги 10-мактаб ўқувчиси ҳайкалтарош Ғолиб Жўраев, ёш ҳунарманд Нурбек Иброҳимовларни ғолиб деб топди. Юқори баҳоланган асарлар ЮНЕСКО ташаббуси билан келаси йили Чехияда ўтадиган «Менинг бобом, менинг бувим» халқаро кўргазмасида намойиш этилади.

Мухтасар КАРИМОВА

Қояда қоплону оҳу

Самарқанднинг шарқий дарвозаси Зарафшон дарёси кўпригидан ўтишингиз билан Чўпонота тоғи қоялари диққатингизни тортади. Қояларнинг ўнг тарафига қора қоплон, чапдагисига қизғиш оҳу тимсоли ўрнатилган. Ўзига хос бетакрор манзара «Туркия, Ҳиндистон ва Эрон автомобиль йўлларида кўзга ташланадиган бундай тимсолларнинг ўзига хос маъноси бор, — дейди йўлсоз Асатилло Норматов. — Йўллардан фойдаланиш бошқармаси тасарруфидаги халқаро йўлнинг маълум қисми ана шундай тимсоллар билан безатилган. Мақсад, бу билан табиат ва ҳайвонот дунёсига бўлган муносабатимизни намойиш этиш».

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ

Асосий қонунимизга бағишланди

ХДП хабари

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси мамлакатимиз фуқароларининг ҳуқуқ ва бурчлари, эркинлигининг кафолатидир. Ушбу фикр пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек тумани Халқ демократик партияси фаолларининг республика Конституцияси олти йиллигига бағишланган тантанали йиғилишининг асл мазмун ва моҳиятини ташкил этди.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг маданият саройига шу куни тумандаги корхона ва муассасалар, маҳалла қўмиталари, хотин-қизлар ташкилотларининг вакиллари, талабалар ва зиёлилар тўпланган эдилар. Йиғилишни Мирзо Улуғбек туман кенгашининг биринчи котиби Раъно Сатторова очди.

Асосий Қонунимизнинг тамойиллари ва у ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ўзининг самарали меваларини бераётгани ҳақида республикамиз Конституцион судининг раиси Баҳодир Эшонов маъруза қилди. У жамиятимизнинг ҳамма соҳаларида ишончли ҳуқуқий пойдевор яратилгани ва бу жараён янада чуқурлашаётганлигини мамнуният билан таъкидлади.

Мамлакатимизнинг келажаги, унинг гуллаб-яшнаши ҳар бир фуқаронинг умумхалқ ишига қўшадиган ишига, фидойилигига боғлиқ. Буни каттаю кичик англаши, ҳис этиши даркор. Ўзбекистон халқ шоири, Олий Мажлис депутати, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Ориповнинг эҳтиросли нутқида баён этилган бу фикрлар йиғилганларнинг қалбидан чуқур жой олди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Абдулҳафиз Жалоловнинг теран фалсафий мушоҳадаларга бой, Конституциямизнинг мазмун ва моҳияти, қирраларини кўрсатиб берувчи нутқини йиғилганлар олқишлар билан кутиб олишди. Шунингдек, йиғилишда Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳимнинг халқлар дўстлиги ҳақидаги мулоҳазалари барчада ёқимли таассурот қолдирди.

Конституциянинг олти йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда Мирзо Улуғбек туман ҳокими Абдуазим Мажидов, Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар кенгашининг биринчи котиби, Олий Мажлис депутати Латиф Ғуломов иштирок этдилар.

Норбобо ШАКАРОВ

Божхоначи — ботирликдир

Очиқ мулоқот



Ўтган куни Миллий матбуот марказида навбатдаги учрашув бўлиб ўтди. Бу гал Ўзбекистон Республикаси Божхона қўмитаси раисининг ўринбосари Сайдазим Орипов ва божхона хизматининг бир қатор бошқармалари бошлиқлари ҳамда ўринбосарлари журналистларнинг меҳмони бўлишди.

Раис ўринбосари анжуман иштирокчиларига мамлакатимиз миллий божхона хизмати фаолияти ҳақида батафсил сўзлади. Жорий йилнинг ўн ойида божхоначилар давлат бюджетига 30 миллиард сўм миқдорида маблағ туширгани, бу эса ўтган йилги кўрсаткичдан олти баравар зиёд эканлигига алоҳида урғу берилди. Шу билан бирга божхона тизими қўли эгри, нопок, хизмат мавқеини суиистеъмол қилаётган ходимлардан қатъиян халос бўлаётгани, сўнгги бир йилда мингга яқин ўз касбига нолойиқ деб топилган ходимлар ишдан бўшатилгани ҳақида ҳам маълумот берилди. Учрашувда қатнашган мухбиримиз раис ўринбосарига шундай савол билан мурожаат қилди:

— Сайдазим Орипович! Сиз юқорида божхона тизимидан мингга яқин нолойиқ ходимлар ишдан бўшатилгани ҳақида гапирдингиз. Менимча, бу рақамни аниқ айтишга ийманмадингиз ёки атайин камайтириб айтяпсиз, чунки қўмита раиси Комиловнинг яқинда матбуотдаги чиқишида бу рақам 1500 эканлиги аниқ-тиниқ ёзилган эди?

— Эътирозингиз тўғри. Мен бу ерда божхона хизматига нолойиқ деб бўшатилган ходимлар сонини тилга олдим. Қолган 500 тасига келсак, улар синов олдидан талвасага тушиб, ўз аризаларига биноан ишдан бўшаб кетганлардир.

Қойил! Бир синовда шунча божхоначи қўрқув ва талвасага тушиб, иш жойларини тарк этган бўлсалар, яна бир марта синов эълон қилинса, нима бўлар экан-а?

Бобо САРОИЙ

Хайрли ташаббус

Олтинсой туманида ҳам матбуот нашрларига обуна қизғин давом этмоқда. Бултур туман бўйича юздан ортиқ киши «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталарига ёзилганди. «Бу йилги ниятлар ўзгача, — дейди туман партия кенгашининг биринчи котиби М. Қодиров. — Уч юздан ортиқ киши партиямиз нашрларига обуна бўлишмоқчи». Тумандаги бир қатор жамоалар эса ўзига хос ташаббус билан чиқдилар. Хусусан марказий шифохонада 50, халқ таълими бўлимида 100, молия бўлимида 10 киши «Ўзбекистон овози» газетасига обуна бўлишмоқчи. Бошқа жамоалар ҳам бу ташаббусни қўллаб-қувватламоқдалар.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

«Ўзбекистон овози»га жавоб берадилар

Илтимос қондирилди, аммо...

Одамлар қўлларига қоғоз қалам олиб шунчаки эрмак учун тегишли жойларга шикоят аризалар билан мурожаат этавермайдилар. Улар маҳаллий ҳокимлик ва раҳбарларга мурожаат қилавериб ниятларига етиша олмаганидан кейин адолат истаб, таҳририятларга хат йўллашга мажбур бўладилар. Бу ҳаммаси жойларда халқнинг хат ва шикоятларига ёки оғзаки мурожаатларига эътиборсизлик билан қараланётганидан нишонадир. Юртбошимиз таъбири билан айтганда одамлар ҳамма нарсага сабр қилишлари мумкин, аммо, адолатсизликка тоқат қила олмайдилар. Бизга мактуб йўллаган Хадича Ҳамроева ҳам ниятига етолмагандан кейин бир эмас, иккита мактуб йўллашга мажбур бўлган. Наҳотки, бу инсоннинг илтимосини ана шундай оворагарчиликсиз жойида ҳал этишнинг иложи бўлмаган бўлса. Албатта, Ҳамроева оиласи учун қўшимча томорқа ажратилганини эътироф этиб, даъвоси йўқлигини ўз тушунтириш хатида баён қилади. Сариосиё тумани ҳокимлигидан бизга йўллаган жавобда ҳам ана шу маъно ўз ифодасини топган. Икки орада дилсиёҳлик юзага келган. Энг ёмони бундай илтимос ва шикоятларга эътиборсизлик одамларда юртимизда тутган йўлимизга беписандлик кайфиятини уйғотиб қўйиш мумкин. Бунга эса сира йўл қўйиб бўлмайди. Мана энди юқорида тилга олинган шикоятга йўлланган жавоб билан танишинг.

«И. Диёров номли ширкатлар уюшмаси «Хонум» маҳалласида яшовчи фуқаро Ҳамроева Хадичанинг таҳририятга томорқа олишга ёрдам беришни сўраб ёзган илтимосномасига жавобан қуйидагиларни маълум қиламан.

Ҳақиқатдан ҳам Ҳамроева Хадича Сариосиё тумани И. Диёров номли ширкатлар уюшмаси ҳудудидаги «Хонум» маҳалласида яшайди. 0,11 га. ер майдони (томорқаси) бор. Ушбу томорқа ҳудудида 3 та оила — 16 жон истиқомат қилади.

Туман ҳокимлиги фуқаро Ҳамроева яшаш шароитини ўрганиб чиқиб қўшимча томорқага эҳтиёжи борлигини аниқлади ва И. Диёров номли ширкатлар уюшмасининг 1998 йил 16 сентябрь 17-сонли қарорига асосан 0,08га томорқа участкаси билан таъминланди.

Ушбу қарордан фуқаро Ҳамроева рози эканлигини ёзма равишда маълум қилди.

Туман ҳокими ўринбосари
Г. ФАТТОЕВ»

Бу дунёнинг ишлари

Ўлим жазоси чекланди

Туркманистон ўлим жазосини чеклаш ҳақида қарор қабул қилди. Бу ҳақда Президент Сапармурод Ниёзовнинг топшириғига биноан Бош вазир ўринбосари, республика ташқи ишлар вазири Борис Шихмуродов Европада ҳамкорлик ва ҳамжихатлик ташкилотининг Осло шаҳрида бўлиб ўтган вазирлар кенгашида айтди. Бундан ташқари олий жазони қўллашни камайтириш мақсадида миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш йўлидан борилади, деди Бош вазир ўринбосари. Бу билан Туркманистон ўзининг инсонпарварлик қадриятларига содиқ эканлигини яна бир бор исботламоқчи. Иқтисодий соҳада тараққиётга эришмай туриб жамиятни ривожлантиришнинг иложи йўқ. Шу боис Туркманистон ўзидаги бой энергетика ресурсларини халқаро бозорларга чиқариш керак, деб таъкидлади Бош вазир ўринбосари. Туркманистон халқаро энергетика тизимига қўшилиши шарт.

«Интерфакс»

Ижрочи раис билан учрашув

Кеча Норвегия сафаридан қайтиб келган Россия ташқи ишлар вазири Игорь Иванов Москвага келган БМТнинг Ироқни қуролсизлантириш бўйича махсус комиссияси ижроия раиси Ричард Батлер билан учрашди. Бу ҳақда РИА «Новости» матбуот агентлиги хабар қилди. Учрашув давомида Ироқдаги ҳозирги вазият муҳокама қилинди. Ричард Батлер ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Виктор Посувалюк билан ҳам учрашади. Маълумки, махсус комиссия экспертларнинг фикрича жаҳон жамоатчилиги учун ҳам, Ироқ учун ҳам фойдали ишни амалга оширмоқда. Агар у Ироқни қуролсизлантиришга эришса, бутун дунё енгил нафас олиши мумкин. Бинобарин, Ироқда оммавий қирғин қуроллари мавжуд. Бағдод эса, БМТ Хавфсизлик Кенгаши томонидан қўлланилаётган иқтисодий жазо чораларидан озод бўлади. Айни пайтда Ироқ БМТнинг жазо чоралари туфайли ўзининг асосий валюта манбаи бўлмиш нефтни чегараланган миқдорда экспорт қилмоқда.

Очлик эълон қилган ўқитувчи вафот этди

Ульяновск шаҳрида оммавий норозилик сифатида очлик эълон қилган ўқитувчилардан бири вафот этди. Уни дафн этиш маросимига минглаб одамлар тўпланди. У иш ҳақини вақтида ололмаганлиги учун очлик эълон қилганди. Икки боланинг отаси Афғонистондаги уруш қатнашчиси бўлмиш ўқитувчи 10 кун давомида оч юрди. Лекин, очликнинг сўнгги куни вафот этди. Ушбу фожиа Россиядаги мана шу муаммонинг нақадар ўткирлигини кўрсатиб турибди. Ноябрь ойида бутун Россия бўйлаб 27 мингдан зиёд ўқитувчи маошларни вақтида олмагани учун ишга чиқишдан воз кечган эди.

Собиқ Бош вазир ҳибсга олинди

Украинанинг собиқ Бош вазири Павел Лазаренко Швейцария божхоначилари томонидан ҳибсга олинди. Унинг қўлидаги Панама паспорти божхоначиларда шубҳа уйғотган эди. Бу ҳақда РИА «Новости» матбуот агентлигига терговчи Лоран Каспер-Ансерме хабар берди. Ҳозир Лазаренкони Женевага олиб келишди. Каспер-Ансерменинг хабарига кўра, Лазаренко Украина бош прокуратураси билан ҳамкорликда топилган ҳужжатларга асосан тергов ишлари бошлаб юборилди. Терговчининг айтишига кўра, Лазаренконинг Швейцария банкидаги жамғармалари тўхтатиб қўйилган. Украина ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига Швейцария томонидан Фрибур ёрдам бермоқда. Терговчи Патрик Ламоннинг айтишига кўра, шубҳали йирик пул ўтказишлар текширилиши натижасида қатор бошқа мансабдор шахслар ҳам қўлга олиниши мумкин. Айрим тергов ҳаракатлари якунланди. Бироқ, ҳали кўп иш қилиш керак. Ламоннинг айтишига кўра, иш Украина бош прокуратурасига бориб тақалмоқда. Айни пайтда Павел Лазаренко, Николай Агафонов ва бошқалар давлатнинг каттагина маблағини ўғирлашган. Лазаренко эса, 20 миллион доллар маблағни ўғирлаб Швейцария банкига ўтказиб юборган.

Яҳудийлар қабристони топталди

Президент Эдуард Шеварднадзе Тбилисидаги яҳудийлар қабристони топталишини Грузия учун номаъқул ва айни пайтда тушунтириб бўлмайдиган ҳолдир, деб баҳолади. Яҳудийлар кўп асрлик тарихдан бери грузин тупроғида осойишта яшаб келишарди. Бу ҳақда ИНТЕРФАКСга давлат раҳбарининг матбуот котиби Вахтанг Абашидзе айтди. Унинг айтишига кўра, Президент Тбилиси шаҳри ҳокимиятига топталган қабрларни тезроқ тиклашни ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларига жиноятчиларни тезроқ ҳибсга олишни топширди. Шеварднадзе қабристондаги вақшийлик грузин ва яҳудий халқларининг кўп асрлик дўстлигига путур етказмайди, деб ишонч билдирди. Тбилиси шаҳридаги яҳудийлар қабристонида 40 га яқин қабр топталгани рост. Лекин бу ишни ким амалга оширгани ҳозирча номаълум.

Элчихоналардаги ўзгаришлар

Португалия Ташқи ишлар вазирлиги яқин ойлар ичида хорижий мамлакатлардаги 37 элчихоналарда ўзгаришлар қилишни мўлжалламоқда. Лиссабонда таъкидлаб ўтишларича бу ўзгаришлар Португалия 2000 йилда Европа Иттифоқининг раиси ўрнини эгаллаши муносабати билан амалга оширилади. Европа Иттифоқидаги барча мамлакатлардаги элчихона раҳбарлари, шунингдек Бонн, Брюссель, Гаага, Мадрид, Париж ва Римдаги элчилар янгиланади.

Тақозо ва... ҳоказолар

ёхуд ҳокимларнинг «шоҳмот ўйини»дан жабрланган раҳбарлар ҳусусида

...1994 йилнинг 25 июнь куни Ҳазорасп туманидаги «Ҳазорасп» жамоа хўжалиги аъзолари дабдурустдан ярим йиллик ҳисобот йиғилишига таклиф қилиндилар. Кун тартибида ташкилий масала турарди: хўжаликка ўн икки ярим йилдан зиёд етакчилик қилган Ражаббой Эрназаровни вазифасидан бўшатиш.

Тепадагиларнинг «раис ариза ёзган» деган важларига ишонқирамай қараган хўжалик аъзолари овоз беришда якдиллик кўрсатишмади. Тўғрироғи, раисни вазифасидан озод қилиш ҳақдаги таклифни йиғилиш қатнашчилари қўл кўтариб тасдиқламади. Аммо, бу ўша муҳитда ҳеч нимани ҳал қилмасди — «гишт қолипдан кўчган», тепадагиларга ёқинқирамай қолган Ражаб раис кетиши керак эди. Тамом-вассалом...

«Бу ҳақда атиги бир неча соат илгари хабар топдим, — деб эслайди жабрдийда Ражаб раис. — Туман ҳокими бошқа иложи йўқлиги, бу таклиф айнан вилоят ҳокимидан чиққанини айтди. Ариза ёзиб бердим. Иккинчи йўл йўқ эди...»

Хўжалик аъзоларини бир нарса ажаблантирди: Ражаб раисни нега бўшатишади? Хўжалик режаларни уддалаётган бўлса. Одамларда норозилик бўлмаса. Ахир Ражаб раис амалдаги йилнинг май ойи учун ҳам маош тарқатишга киришган, деҳқончилик экинлари ривожи кўнгилдагидек кетаётган бўлса-ю...

Бу оддий деҳқоннинг фикри. Иқтисодчилар тили билан айтадиган бўлсак, раисни бўшатиш учун муҳим асос йўқ эди. Жамоа 1993 хўжалик йилида барча соҳада кўрсаткичларни ошиғи билан бажарганди. Режадан зиёд 600 тонна пахта сотилган, ҳосилдорлик гектар бошига 32,5 центнерни ташкил қилганди. Бу нафақат туманда, балки вилоятда юқори кўрсаткичлардан саналарди.

Хўжалик аъзолари нега тепадагилар таклифига қўшилишмади?

Оддий деҳқонларнинг кўнгилдаги норозилигини англаш учун бир неча рақам келтиришга ҳаракат қиламиз. Ражаббой ака раислик даврида қишлоқда тўрт жойда жами 2600 ўринли ўрта мактаб, тўрт жойда етти юз ўринли болалар боғчалари қурдирган. Бу қийин ва машаққатли ишларга бош бўлган. Ёки туман қишлоқларида ягона бўлган спорт мактаби ҳам шу хўжаликда бунёд этилди. Ўн ўринли 2 та шифо маскани ишга туширилди. Хўжаликнинг «Атов» участкасига газ ва ичимлик сув қувурлари тортилди. Бу участка хўжалик марказидан ўн беш километр узоқликда эканлигини айтсак, юмушларнинг бор-бўйи аниқ кўринади. Умуман, Ражаббой ака раислик даврида қишлоқнинг инфратузилмаси кескин ўзгарди. Хонадонларнинг 90 фоизига табиий газ ва 80 фоизига ичимлик сув қувурлари ётқизилди. Бу ҳатто ҳозирда ҳам вилоят ва туман кўрсаткичларидан анча юқоридир.

Булар ҳақда Ражаб раис (ҳатто ҳозирда вазифасидан бўшаганига тўрт йил ўтган бўлсада эл-юрт уни шундай деб улуғлаши боисдан биз ҳам халқ тилидан ёзаяпмиз) эслашни ёқтирмайди. У ҳар доим қилинган ишлар эмас, қилинажак ишлар ташвиши билан яшашга, ишлашга ўрганган раҳбарлар тоифасидан эди. Табиатидаги ишчанлик, ташкилотчилик иқтидори ёшлигидан йўлдош. 1966-1972 йилларда «Ташсельмаш» заводида слесар бўлиб ишлади. Кейин йигирма олти яшар қишлоқ хўжалиги машинасозлиги мутахассиси бор йигитни тумандаги энг йирик қурилиш ташкилоти — Тошсоқа кўчма механизациялашган колоннасига раҳбарликка маъқул кўришди. Мазкур қурилиш ташкилоти вилоятда ўз обрў-эътибори, нуфузига эга. Бу ерда раҳбарлик қилган кишилар кейинчалик юқори лавозимларга кўтарилишган. Туман ҳокими, вилоят раҳбари, республика сув хўжалиги министри бўлишган...

Р. Эрназаров қурилиш ташкилоти раҳбари бўлган олти йилда янгидан уч минг гектар ерларни ўзлаштириш, уч минг гектар майдонларни капитал текислаш ва мелиоратив ҳолатини яхшилаш, юздан зиёд катта-кичик кўприклар қуришга бош бўлди. Вилоятдан бир неча юз чақирим узоқликда жойлашган «Қизилжар» массивида турар жойлар тиклаш, йўл келтиришга, ер очишга бош бўлган ҳам у.

Ундаги ишчанлик, ташкилотчилик, одамлар билан муомаласи, тартиб ва интизомни ёқтириши, шунга аввал бошда амал қилиши, янгиликларга ўчлиги... фазилатлари раҳбарлар эътиборига тушиб 1982 йилда катта хўжаликка раисликка тавсия қилишди. Бу пайтда у ўттиз икки ёшида эди.

«Хўжаликни қабул қилганимда иқтисодий жиҳатдан анча ночор эди. 53 минг сўм қисқа муддатли қарзи ва колхозчилардан 750 минг сўм иш ҳақидан қарзи бор эди. Чорва туёқ сони етишмасди...»

Ана шу аҳволда хўжаликни қабул қилган раис бир йилдаёқ барча қарзларни узди, камомадларни тўлдирди. Кейинги бир неча йилда эришилган ютуқлар эса хўжаликда кенг миқёсда қурилишлар олиб бориш, одамларнинг иқтисодий аҳволини ўнглашга замин бўлди. Ҳатто кўпни кўрган қариялар ҳам қисқа муддатда шу қадар кўп қурилишлар бошлаган ва поёнига етказган, қишлоқ қиёфасини тубдан ўзгартирган бошқа раҳбарни эслай олмайдилар.

Халқ ҳаммасини билади. Халқ кўриб туради. Яхшига ҳам, ёмонга ҳам ўз баҳосини беради. Тепанинг топшириғи билан ишчан раис вазифасидан ноҳақ бўшатилаётганини сезган одамларнинг қўл кўтарманганликлари — аслида Ражаб раисга хўжалик аҳлининг берган баҳоси эди...

Хоразмда Солай Худойқулов отлиғ машҳур деҳқон ўтган. Дарё бўйларидаги асрий тўқайзорлар ўрнида очилган майдонлардан юқори ҳосил кўтариб қаҳрамон бўлган бригадир даласи узоқ йиллар вилоят микёсида ўзига хос тажриба майдонига айланди. Кўплаб пахта усталари айнан шу ерда тажриба ўрганишди, деҳқончилик маданияти ўз даври учун ибрат бўладиган даражага етди. Ражаббой ака раислик қилган йилларда хўжаликнинг Солай Худойқулов бошлиқ бригадаси даласига республика раҳбарлари, шахсан Шароф Рашидовнинг ташрифи одатий ҳодисага айланди. Ёш раиснинг республика раҳбарлари олдида ҳам обрўси ошиб боргани, эл орасида тилга тушгани... ўша даврлардаёқ қайсидир раҳбарларга ёқмаган бўлиши мумкин...

... Энди рақамларни сўзлатамиз. Ражаб раис вазифасидан бўшатилган йилиёқ хўжалик иқтисодий қолоқликка юз тутди. 1994 йилда пахта ҳосилдорлиги 27,5 центнерга тушиб қолди. Бир йилдаёқ ҳосилдорликнинг беш центнерга пасайиши келгусида хўжаликнинг иқтисодини ўнглаб кетишига тўсқинлик қилди. Умуман олганда ўтган беш йилда хўжалик атиги икки марта пахта сотиш режасини уддалади, холос. Шу даврда хўжаликда икки марта раис алмаштирилди. Янада аниқлик киритадиган бўлсак ўтган беш йилга яқин муддатда қишлоқда умуман кўзга кўринарли бирор қурилиш қилинмади.

(Давоми 3-бетда)

Ўзбекистон ХДП ҳаётидан

Партиянинг кучи – уюшқоқлик, жипслик ва фаолликда!

Жаҳон илғор тажрибаси ҳар қандай мамлакатда жамиятни демократиялаштириш учун сиёсий партияларнинг тузилиши, хусусан кўппартиялилик тизимининг шаклланиши, зарурлигидан далолат бермоқда. Аҳоли турли қатламларининг манфаатларини ифода этувчи сиёсий партияларсиз чинакам демократик жамият, давлатнинг бўлиши мумкин бўлмаганидай, демократия тамойилларнинг қарор топишисиз ҳам сиёсий партияларнинг тўлақонли фаолиятини тасаввур этиш қийин.

Шундан келиб чиқиб, мустақил Ўзбекистонда сиёсий институтлар, фикрлар хилма хиллиги тизимини қарор топтиришга, истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ, жиддий эътибор берилмоқда. Чунончи, халқимиз йўлбошчиси даъватига жавобан Ўзбекистон Фидокорлар миллий-демократик партиясини тузишга киришилганлиги мамлакатимизда кўппартиялиликни янада ривожлантириш томон қўйилган муҳим қадамдир.

Замонавий иқтисодиётга асосланган ҳуқуқий давлат, демократик жамиятни бунёд этишга киришган мустақил Ўзбекистонда сиёсий партияларни ташкил этиш ҳамда уларнинг самарали фаолияти учун барча имкониятлар яратилди. Республика фуқароларининг сиёсий партияларга уюшиш ҳуқуқи Ўзбекистон Конституцияси(34-модда)да мустаҳкамлаб қўйилди. “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан эса, уларнинг жамиятдаги ўрни, вазифалари, мақоми ва фаолияти учун зарур ҳуқуқий замин яратилди.

“Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмадир” (Ўзбекистон Республикасининг “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонунидан).

Шўро тузуми ва унинг «умуртқа суяги» — КПСС республикамизда емирилган шароитда, янги сиёсий ҳаракат ва партиялар пайдо бўлдилар. 1991 йил 1 ноябрда Ўзбекистон Халқ демократик партияси таъсис этилди. Ғаниларимиз орасида ҳозир ҳам ушбу партияни комфирқага ўхшатадиган, унинг ишини давом эттираётган ташкилот, деб ишонтиришга ҳаракат қилаётганлар йўқ эмас. Бироқ, Ўзбекистон ХДПнинг дастурий ғоялари, мақсад-муддаоси, жорий сиёсати ва кундалик фаолияти билан танишганлар, унинг на Дастури ва на амалий ишлари бундай эмаслигига тезда ишонч ҳосил қиладилар.

Зеро, партиямиз ўз ғоялари, сиёсати ва фаолиятининг мазмун-моҳияти жиҳатидан комфирқага мутлақо ўхшамайдиган, тамомила янги сиёсий ташкилотдир.

“Кўплар уни (Ўзбекистон ХДПни — ред.) Коммунистик партиянинг вориси деб ҳисоблаб, Коммунистик партиядан ўсиб чиққан партиялар тоифасига киритишади. Бундай эмас, деб ишонч билан айта оламан!” (И. А. Каримов)

Маълумки, КПСС жамиятнинг “сиёсий ядроси”, унинг ягона “етакчи кучи” ҳисобланиб, маъмурий-хўжалик ишларига бевосита аралашар, давлат идоралари устидан танҳо ҳукмронлик қилиб келган эди.’ Маънавият соҳасида ҳам ўзининг яккаҳокимлигини ўтказиб келган комфирқа одамларнинг диний эътиқодларини инкор этар, ўз аъзоларини миллий урф-одат ва анъаналарни риоя қилганлари учун шафқатсиз жазолар, ҳаттоки, таъқиб қилар эди. Жамиятдаги бошқа сиёсий партиялардан бири сифатида фаолият кўрсатаётган Ўзбекистон ХДПда бундан асорат ҳам йўқ. Чунки, маъмурий-қўмондонлик тарзидаги бошқариш усуллари, якка-мафкурачилик, фикрлар ва дунёқарашларнинг хилма-хиллигига йўл қўймаслик унга мутлақо ётдир.

“... ХДП Коммунистик партиянинг меросхўридир, деган ақидаларга қўшилиб бўлмайди. Ҳеч бир партия... бугунги Ўзбекистон шароитида собиқ Компартия бажариб келган ҳукмрон давлат бошқаруви тузилмаси вазифасини адо эта олмайди. Собиқ КПССнинг республикадаги 700 минг аъзосидан атиги 220 минг кишигина, асосан демократик ва бозор иқтисоди ислоҳотлари боришига кўмаклашиш истагида, ХДПга кирди” (Л.Левитин, Дональд С. Карлайл).

Баъзида, ХДПнинг тузилмаларини собиқ комфирқа тузилмасига ўхшатувчилар ҳам топилади. Аслида, бундай тузилмалар коммунистларнинг кашфиёти эмас, балки, уларгача турли мамлакатларда социалистик, демократик ва бошқа йўналишдаги партияларда қўлланилган ва ҳозир ҳам турли хил сиёсий ташкилотлар ундан фойдаланиб келмоқдалар.

Ўзбекистон ХДПга асос солинаётганда, унинг қайси ижтимоий-сиёсий шароитда фаолият кўрсатиши ҳамда қандай жиддий вазифаларни адо этиши лозимлиги ҳисобга олиниб, дастурий ниятларга эришиш йўлида маслакдошларни ғоявий-сиёсий асосда уюштирган, ташкилий жиҳатдан жипслашган яхлит ташкилотни вужудга келтириш зарурати идрок этилди ва мазкур мақсадни амалга ошириш имкониятини туғдирувчи партия Низоми қабул қилинди. Чунки, қатъий аъзолик жорий қилинмаган, одамлар маълум талаблар асосида ихтиёрий равишда унинг сафларига кирган ўз аъзоларини, бунёдкорлик мақсадлари, эзгу ниятлар ва ички партиявий интизом асосида, бирлаштирувчи бошланғич, маҳаллий ва марказий ташкилотларнинг яхлит тизими сифатида ташкил топди.

ҲАЛ ҚИЛУВЧИ БЎҒИН

Ортда қолган йиллар янги партия учун, биринчи навбатда, оёққа туриб олиш, ўз сафларини муносиб фуқаролар билан муттасил тўлдириб боришни йўлга қўйиш, ҳар бир маъмурий ҳудудда ўз тузилмаларини вужудга келтириш даври бўлди. Ҳозир унинг таркибида Қорақалпоғистон республика, вилоят мақомига эга Тошкент шаҳар, 12 та вилоят, 205 та шаҳар ва туман ташкилотлари мавжуд. Партиянинг раҳбар органлари билан кўпсонли аъзоларини боғловчи шаҳар, туман ташкилотлари минтақалар миқёсида тубандагича жойлашган: Тошкент вилоятида — 21 та, Фарғона вилоятида — 19, Андижон ва Самарқанд вилоятларида — 18 тадан, Қорақалпоғистон Республикасида — 17, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида — 15тадан, Бухоро, Жиззах, Наманган, Сирдарё, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳрида — 12 тадан.

Бошқача айтганда, бугунги кунда республикамиз таркибидаги барча маъмурий ҳудудлар — Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, шаҳар ва туманлар ҳамда пойтахтимизнинг талабалар шаҳарчасида Ўзбекистон ХДПнинг ташкилотлари фаолият кўрсатмоқдалар.

Ўзбекистон ХДП Низомига мувофиқ, улар ўз ҳудудлари доирасида партиянинг бошланғич ташкилотларини бирлаштирадилар. Ушбуларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, янги тузилганларини рўйхатга олиш ва уларга услубий ёрдам кўрсатиш билан шуғулланадилар. Бу ишларга ташкилотларнинг сайлаб қўйиладиган кенгашлари ва уларнинг ижроия бюролари раҳбарлик қиладилар. Қорақалпоғистон республика, Андижон, Наманган, Сурхондарё, Хоразм, Қашқадарё вилоят ва Тошкент, Андижон, Асака, Бухоро, Гулистон, Жиззах, Зарафшон, Каттақўрғон, Наманган, Тахиатош, Чирчиқ, Янгиер, Янгийўл шаҳарлари, Балиқчи, Беруний, Бешариқ, Боғдод, Бўстонлиқ, Вобкент, Гурлан, Зангиота, Зафаробод, Китоб, Миробод, Олтиариқ, Пастдарғом, С. Раҳимов, Сариосиё, Тахтакўпир, Узун, Урганч, Хатирчи, Хива, Чилонзор, Чуст, Шеробод, Қамаши, Қарши туманлари партия ташкилотлари ва уларнинг сайланма органлари ўзларининг ташкилий, сиёсий, мафкуравий, маданий-маърифий соҳалардаги самарали ишлари билан Ўзбекистон ХДПнинг тикланиши, эл-юртга танилиши, жамиятдаги йирик ижтимоий кучлардан бирига айланишига салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдалар. Чунончи, Ўзбекистон ХДП Андижон вилояти ташкилотининг партиявий-сиёсий, мафкуравий ишлар таянч нуқталари — “Маърифат” марказларини тузиш соҳасидаги тажрибаси Марказий Кенгашнинг раҳбарлигида бутун партияда кенг ёйилиб, ХДП кенгашлари ва йирик БПТлари қошида 2750 тага яқин шундай масканлар, минглаб “Маърифат”-хона ва бурчаклари ташкил этилди.

Тошкент шаҳар партия ташкилотида фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш соҳасида ибратли ишлар қилинмоқда. Кенгаш ижроия бюроси ушбу масалани махсус кўриб чиқиб, тадбирлар режасини тасдиқлади ва унинг бажарилишини назорат остига олди. Туман партия кенгашлари ва йирик БПТнинг шу соҳадаги фаолиятлари таҳлил қилиниб, ибратли ишлар қўллаб-қувватланмоқда. Марказий Кенгаш Сиёсий ижроия қўмитаси ушбу масалани ўрганиб, барча партия ташкилотларига тошкентликлар тажрибасидан кенг фойдаланишни тавсия этди.

Партия Хоразм вилояти ташкилотининг ХДП аъзолари сиёсий ўқувларини ташкил этиш соҳасидаги тажрибаси ҳам диққатга лойиқ. Бу ерда ХДП Дастури, Низоми ва Миллий истиқлол мафкураси, Ўзбекистон Конституцияси, қатор қонун ва кодекслар, республика Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли ва бошқа асарлари, маъруза ва нутқлари, Олий Мажлис сессияларининг ҳужжатларини бошланғич партия ташкилотлари қошида ташкил этилган сиёсий клублар ва тўгаракларда жамоавий тарзда ўрганиш йўлга қўйилган. Зиёлилар ва раҳбар ходимлардан иборат билимдон, тажрибали тарғиботчилар машғулотларни олиб борадилар.

Қашқадарё вилоят партия ташкилоти ХДП аъзолари, хайрихоҳ фаоллар ўртасида иқтисодий билимларни тарқатиш, бозор иқтисоди хусусиятлари ва қонун-қоидаларини тарғиб қилиш, янги иқтисодий тафаккурни шакллантиришга кўмаклашиш мақсадида хилма-хил ишларни олиб бормоқда. Вилоят партия кенгаши бир неча йилдан буён барча шаҳару қишлоқларда маънавият ва маърифат кунларини ўтказишда давлат идоралари билан ҳамкорлик қилмоқда.

ХДПнинг қатор шаҳар ва туман ташкилотлари партиянинг марказий ва маҳаллий матбуот нашрларига обунани уюшқоқлик билан ўтказиш борасида қимматли тажриба тўпладилар. Жумладан, Гулистон, Тахиатош, Чирчиқ, Янгиер, Қарши шаҳар, Гурлан, Пахтакор, Қизирик туман партия кенгашлари ўтган йилдаги обуна мавсумида яхши ишлаб, шу масала бўйича берилган барча топшириқларни ошириб бажарганликлари учун Марказий Кенгашнинг мукофотларига сазовор бўлдилар. Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм вилоятлар ва уларнинг таркибидаги қатор шаҳар, туман партия ташкилотлари бу йилги обуна мавсумида пешқадамлик қилмоқдалар.

Кўпгина вилоят, шаҳар, туман ташкилотлари ўз минтақаларида партиянинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқаришга, ватандошларимизни туб ислоҳотларни амалга оширишга сафарбар этишга қаратилган фаолиятлари, ёрдамга муҳтож кишиларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасидаги амалий ишлари билан ХДПнинг халқ ўртасидаги обрўини ошириш, жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Шу билан бир қаторда, фаолиятлари мамлакатимиз бошдан кечираётган ўтиш даврининг мураккаб шароитлари ва кўппартиялилик тизими талабларига жавоб бермаётган партия ташкилотлари ҳам йўқ эмас. Марказий Кенгашнинг шу йил бошларида бўлиб ўтган XVIII пленумида танқид қилинган Навоий, Тошкент, Самарқанд вилоят, қатор шаҳар ва туман партия ташкилотлари раҳбарларининг диққати уларнинг ишларида мавжуд бўлган жиддий камчиликларга қаратилган эди. Афсуски, ушбу ташкилотларда нуқсонларни бартараф этиш жуда суст бораётир. Уларнинг жорий йил обуна мавсумидаги ўртамиёна натижалари шундан далолат беради.

Агар Ўзбекистон ХДП вилоят, шаҳар ва туман ташкилотларининг партия тузилмасида муҳим ўрин эгаллашини, партиянинг жамиятдаги мавқеи, халқ ўртасидаги обрў-эътибори, шунингдек, қуйи ташкилотларнинг ишини йўлга қўя олиш жиҳатдан, айни шу бўғиндаги аҳволга боғлиқлигини ҳисобга олсак, уларнинг барчасининг фаолиятини замон талаблари даражасига кўтариш ҳозирги кундаги долзарб вазифалардан бири эканлигини тушуниш қийин эмас.

ПАРТИЯНИНГ НЕГИЗИ

Ўзбекистон ХДП ташкил топгандан буён у ўзининг қуйи бўғини — бошланғич ташкилотларига алоҳида эътибор бериб келмоқда. Бунинг бош сабаби шуки, ушбу ташкилотлар партиянинг негизини ташкил этадилар. Ватанимизнинг муносиб фуқароларини партия сафларига қабул қиладиганлар ҳам, улар билан бевосита ишлайдиганлар ҳам, унга хайрихоҳ фуқароларга ХДПнинг дастурий ғоялари мазмун-моҳиятини тушунтирадиган, уларни ўз атрофида йиғадиганлар ҳам шу ташкилотлардир. Демак, ушбу ташкилотлар сон ва сифат, ташкилий ва ғоявий жиҳатдан қанчалик такомил бўлсалар, партия шунчалик бақувват, ўз олдида турган вазифаларни амалга оширишга шунчалик қодир бўлади. Шундан келиб чиқиб, партия кенгашларининг аксарияти ҳаракатдаги қонунчилик доирасида БПТ, шаҳобчаларини кенгайтириш, мавжудларини мустаҳкамлаш ишлари билан мунтазам шуғулланмоқда. Натижада, уларнинг сони йилдан-йилга кўпаймоқда. Агар, 1991 йил 1 ноябрда Ўзбекистон ХДПда 10.850 та БПТ мавжуд бўлса, уларнинг умумий сони 1992 йилда — 11.257, 1993 йилда — 12.029, 1994 йилда — 12.456, 1995 йилда — 13.665, 1996 йилда — 14.173, 1997 йилда — 14.259 ва 1998 йилнинг 1 декабрига — 14.441 тага етди.



Ўзбекистон ХДП Жиззах шаҳар Кенгаши Ижроия бюроси йиғилишида

Тошкент шаҳар, Андижон, Наманган, Самарқанд, Тошкент, Фарғона ва Қашқадарё вилоят партия ташкилотлари таркибида 1000 тадан 1500 тагача ва ундан кўпроқ БПТ бор. Навоий, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида эса, уларнинг умумий миқдори 500-700 тадан ошмайди. Келажакда, янги-янги БПТ тузилиши билан мазкур вилоятларда ҳам уларнинг умумий сони кўпайиши муқаррар. Чунки, партиянинг қуйи ташкилоти тузилмаган жойлар ҳали ҳам бор.

Ўзбекистон ХДП ташкил топган дастлабки пайтларда БПТларнинг кўпчилиги ишлаб чиқариш асосида тузилган, амалдаги қонунчилик рухсат этмайдиган идора ва муассасаларнинг партияга киришни истаган ходимларини бирлаштирувчи ҳудудий бошланғич ташкилотлари эса, унчалик кўп эмас эди. Жумладан, 1991 йилда ҳудудий партия ташкилотларининг улуши барча бошланғич партия ташкилотлар орасида 2,5 фоизга тенг эди.

Бироқ, ҳаётнинг ўзи демократик тараққиёт шароитларида айни шу негизда тузилган партия ташкилотларининг афзаллигини тақозо этди ва қатор ХДП маҳаллий кенгашлари шу йўналишда муайян ишларни олиб бордилар. Айниқса, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши XIV пленуми (1995 йил март) бу ҳақда махсус кўрсатма бергандан кейин жойларда ушбу масалага эътибор кучайди. Натижада, ҳудудий партия ташкилотлари (ҲПТ) нинг партиядаги салмоғи 1995 йилдаёқ, 29 фоизга етган бўлса, 1996 йилда — 32 ва ортда қолган йилда 34 фоизгача ошди. Ҳозирга келиб, Ўзбекистон ХДПдаги барча БПТнинг беш мингдан кўпроғи ҳудудийлик негизида тузилган бўлиб, уларнинг ҳисобларида 300.000 нафардан зиёд партия аъзоси бор. Тошкент шаҳар партия ташкилотида ҲПТларининг салмоғи 43, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида - 39, Қорақалпоғистон Республикаси ва Бухоро вилоятларида — 37, Қашқадарёда — 36 фоизга тенгдир. Пойтахтдаги 475 та маҳалладан 348 тасида ҲПТнинг фаолият кўрсатаётганлиги, Тошкент шаҳар ва унинг таркибидаги туман партия кенгашларининг бу ишга жиддий ёндошаётганидан далолат беради. Аммо, Навоий, Сурхондарё ва Хоразм вилоятлари, қатор шаҳар ва туманларда бундай ташкилотларнинг салмоғи катта эмас. Демак, уларнинг ушбу йўналишдаги ишларини кучайтириш талаб этилади.

Партияда ўзининг фаоллиги билан аҳоли ўртасида обрў қозонган бошланғич ташкилотларнинг сони талай. Андижон шаҳар енгил таксилар саройи, Балиқчи туманидаги А. Мўминов номидаги ж.х., “Бухоротекс” ва “Бухороёғ” ҳ.ж., Жиззах шаҳридаги “Сайил-жойи” маҳалласи, Фориш туманидаги “Меҳнатобод” ш.б., Навоийдаги “Қизилқумцемент” д.ҳ.ж., Зарафшон шаҳар қурилиш бошқармаси, Наманган ва Тўрақўрғон туманларидаги “Ижодкор” ҳамда “Ширинлик” агрофирмалари, Булунғур туманидаги “Ғубдин” и х. , Самарқанд туманидаги “Мароканд” ж.х., Ангор ва Термиз туманларидаги “Қорасув” ҳамда “Ҳалқобод”, Боёвут туманидаги “Тараққиёт” ж.х., Сирдарё тумани марказий шифохонаси, С. Раҳимов туманидаги “Тошкентмебель” ҳ.ж., Ҳамза туманидаги «Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси» д.х.ж., Шайхонтоҳур туманидаги “Оқ илон” маҳалласи, “Янгийўлғмой” ҳ.ж., Бўстонлиқ туманидаги Паргос кўрғончаси, Марғилон шаҳар “Наргиз” болалар боғчаси, “Фарғонанон”., Урганч шаҳридаги “Феруз” ҳ.ж., Кўшкўпир туманидаги “Ўзбекистон” ж.х., Қарши шаҳридаги “Чақар” маҳалласи, “Муборакгазконлари” бошқармаси, Нукус туманидаги “Қорақалпоқ теплица” ж.х., Нукус педагогика билим юрти, “Хўжайлиғмой” ҳ.ж., бошланғич (ҳудудий) партия ташкилотлари каби юзлаб мисолларни келтириш мумкин.

Айни замонда, фаолияти Ўзбекистон ХДП Низоми ва давр талабларига жавоб бермаётган бошланғич партия ташкилотлари ҳам йўқ эмас. Белгиланган муддатларда партия мажлисларини ўтказмаслик, аъзолик бадалларини тўлаш ва йиғиб олишни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, ХДП сафларига қабул қилиш масалалари билан жиддий шуғулланмаслик, партиядошларнинг маданий-сиёсий савиясини ошириш тўғрисида бош қотирмаслик, аҳоли ўртасида олиб бориладиган тарғибий-маърифий ишларнинг сустлиги, меҳнат жамоаси ёки аҳоли турар жойларидаги иқтисодий-ижтимоий муаммоларни ҳал этишда фаолликнинг етишмаслиги ва бошқа камчилик ҳамда нуқсонлар бундай ташкилотларга хосдир. Бунинг оқибатида, уларнинг ижтимоий мавқеи паст, уларга эргашадиган партиясиз фуқаролар миқдори кам. 1994 йил декабрида бўлиб ўтган умумий сайловларда шу сабабларга кўра баъзи жойларда партия номзодлари муваффақиятсизликка учрадилар.

Бундан хулоса шуки, ҳудудларнинг барисида партиянинг негизини мустаҳкамлаш — унинг барча ташкилотлари олдида турган катта сиёсий аҳамиятга молик вазифадир.

ХАЛҚ ФАРЗАНДЛАРИ

Мамлакатимизнинг сиёсий фаол фуқаролари Ўзбекистон ХДПнинг ташкил этилишини ҳамда унинг дастурий ғоялари ва амалий ишларини катта қизиқиш билан кутиб олдилар, дейишга тўла асос бор. Уларнинг энг муносиблари ўзларининг тақдирлари, орзу-умидларини у билан боғлаётганликлари буни тўла тасдиқлайди. Маълумки, партиянинг Таъсис қурултойи (1991 йил 1 ноябрь) арафасида 344 минг киши унинг сафларига кириш хоҳишини билдирган эди (қиёслаш учун: собиқ Ўзкомфирқада ўша йилнинг ўрталарида тахминан 680 минг аъзо бўлган). 1992 йилнинг 1 январига келиб, уларнинг сони 347 минг нафардан ошди. Бироқ, шу йил давомида ХДПга 26.253 янги аъзо қабул қилинган бўлса-да, партия аъзоларининг умумий сони 1993 йил 1 январига келиб 337.214 тагача қамайди. Бунинг сабаби шуки, Ўзбекистон ХДПнинг Дастури ва Низоми билан чуқурроқ танишиб, амалий ишларини кўрган айрим кишилар унинг комфирқага алоқаси йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, яъни умидлари сароб бўлгач, партия аъзоси сифатида қайта рўйхатдан ўтмадилар.

Йўл бошида содир бўлган бу воқеа партиянинг ташкилий ва ғоявий-сиёсий жиҳатдан мустаҳкамланишига хизмат қилди. Унинг халқ манфаатларига мос дастурий ғоялари эса, одамларни ўзига тортаверди. 1994 йилнинг бошларига келиб, партия аъзоларининг умумий сони 344 минг нафардан ошди, яна бир йилдан кейин эса, у 380 минг кишидан зиёдроқ бўлди. Шу пайтдан бошлаб, Ўзбекистон ХДПга янги аъзоларни қабул қилиш барқарорлашиб, у йилига, ўртача, 40 минг нафарга етди. Ҳозирги кунда партия сафларида мамлакатимизда истиқомат қилувчи 80 миллатнинг ўғил-қизларидан иборат 501092 аъзо бор.

Улар кимлар? Маълумотларга қараганда, Ўзбекистон ХДП аъзолари орасида ақлий меҳнат вакиллари унинг қарийб ярмини, моддий ишлаб чиқаришда банд бўлган кишилар 42 фоизини ташкил этадилар. Партия аъзоларининг каттагина қисми (28 фоизи) аёллардир. Унинг сафига кираётган ёшлар ҳам йилдан-йилга кўпаймоқда. 1991 йилда ХДПда 30 ёшгача бўлган йигит ва қизлар 70 минг кишини ташкил этган бўлса, 1998 йилга келиб уларнинг сони 134 минг нафарга етди, яъни деярли икки баробарга ошди. Партия бой ақл-заковат салоҳиятига эга. Унинг барча аъзоларининг 99 фоизи — олий, тугалланмаган олий ёки ўрта маълумотли кишилар. Уларнинг орасида 1637 нафар академиклар, фан докторлари ва номзодлари бор.

Ўзбекистон ХДП аъзолари давлат идоралари (Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, вазирлик ва ҳокимликлар), жамоат бирлашмалари, мамлакатимиз халқ хўжалигининг турли жабҳаларида Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги республика раҳбариятининг туб ислоҳотлар сиёсатини амалга ошириш ишига ўз меҳнатлари билан салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. 247 минг киши моддий ишлаб-чиқариш соҳасида, шундан 167 минг нафари қишлоқ хўжалигида банд. 173 минг партия аъзоси ноишлаб чиқариш жабҳаларида, улардан 62.400 нафари — халқ маорифида, 20.400 — соғлиқни сақлашда, 9.200 таси фан, маданият, санъат, адабиёт соҳаларида ишламоқда.

Партиядошларимизнинг аксарияти ислоҳотлар йўлига садоқати, ташаббускорлиги, фидокорона меҳнати, ибратли юриш-туриши билан элу юртда обрў қозонмоқда, таҳсину мукофотларга сазовор бўлмоқда. Меҳнат қаҳрамонлари — Республика Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Орипов ва Боғот туманидаги “Боғот” жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Машариф Қувақов, ЎзР ФА академиклари Машҳура Мавлони ва Мурод Шарифхўжаев, Асака шаҳар “Иссиқ нон” ҳ.ж. ишлаб чиқариш устаси Зуҳриддин Жўрабоев, Андижон касб-ҳунар коллежи директори Зулфия Шокирова, Марҳамат ип-йигирув ва тўқув ҳ. ж. раиси Абдуқодир Патиев, Қўрғонтепа тумани ҳокимлиги маданият бўлими мутахассиси Раҳимахон Ғаффорова, Бухоро туманидаги “Чор бақр” ҳ.ж. хотин-қизлар қўмитаси раиси Мавжуда Фатхуллаева, Вобкент тумани ҳокимининг ўринбосари Садриддин Ҳамроев, Жиззах туманидаги Ҳамид Олимжон номидаги ж.х. мироби Одилжон Ҳазратқулов, Ғаллаорол тумани марказий касалхонаси бош шифокори Эсон Норматов, Фориш туманидаги Усмон Узоқов номидаги ижара ширкатлар бирлашмаси директори Раимқул Болибеков, “Қизилқумцемент” ҳ.ж. бошқаруви раиси Ўктам Рўзиқулов, Косонсой тумани марказий касалхонаси шифокори Раҳимжон Абдуллаев, Наманган шаҳридаги 8-ўрта мактаб ўқитувчиси Октябр Бобоназаров, Чуст туманидаги “Зарафшон” деҳқон хўжаликлари уюшмаси тракторчиси Аюбжон Ҳакимов, Норин тумани машина-трактор парки иқтисодчиси Муҳиддинжон Хўжамқулов, Каттақўрғон туманидаги 5-ўрта мактаб директори Нурулло Нарзуллаев, “Халқ банки” Пастдарғом тумани бўлими бошлиғининг муовини Мусурмон Мелиев, “Регистон” газетаси муҳаррири Гулчеҳра Алибоева, Боёвут туманидаги “Ғаллакор” ж.х. 3-бўлими бошлиғи Шодмонқул Аширалиев, Мирзаобод туманидаги 21-мактаб директори Баҳодир Розиқов, Музработ тумани “Меҳнат-роҳат” и.ч. корхонаси директори, Олий Мажлис депутати Қурбон Амирқулов, Термиз туманидаги “Намуна” ж. х. пахтачилик бригадасининг бошлиғи Темир Ҳайдаров, “Ўзбексувэнергокурилиш” трестига қарашли автокорхона омбор мудири Римма Беленькова, Қибрай Ўрмончилик техникуми директори муовини Баҳром Ҳамдамов, Ангрен шаҳар босмахонасининг директори Юрий Югай, Мирзо Улуғбек туманидаги 231-болалар боғчаси мудираси Машкура Қўчқорова, “Тошкрометалл” ҳ. ж. бош директори Виктор Кузеванов, Ёзёвон туманидаги “Фарғона” қишлоқ хўжалиги коллежи ўқитувчиси Одилжон Бўлаев, Риштон туманидаги Нефть ва газ и. ч. бошқармаси ходими Мухторжон Ҳайитбоев, Гурлан туманидаги “Амударё” ж. х. бригадаси бошлиғи Абдрим Раҳимов, Урганч шаҳридаги “Ўзсантехгазмонтаж” бошқармаси бошлиғи Аҳмаджон Ўтеков, Хива тумани марказий касалхонаси шифокори Худойберган Тангрибергенов, Қашқадарё вилояти “Нуроний” жамғармаси раёсати раиси, Олий Мажлис депутати Соҳиб Усмонов, Муборак газни қайта ишлаш заводининг директори, Олий Мажлис депутати Нуриддин Зайниев, Яккабоғ тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари Жўрақобил Норқобилов, Амударё туманидаги “Манғиттекстиль” фабрикаси ходими Роза Бобожонова, “Қорақалпағстон ҳаваози” газетасининг мухбири Сапура Даулетназарова ва бошқа кўплаб партия фаолларининг ишлари ибратлидир. Улар ХДПнинг дастурий ғояларини рўёбга чиқариш, жамиятни ислоҳ қилишда жонбозлик кўрсатиб, Ватанимизни равнақ топтириш умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

БОШ ОМИЛ

Бошқа соҳалар каби сиёсий ташкилотлар фаолиятида ҳам барча ютуқлар ва муваффақиятсизликларнинг бош калити раҳбар ходимлар эканлигини яхши тушунган партия раҳбарияти кадрлар масаласига ҳамиша жиддий эътибор бериб келмоқда. Партия сайланма органларини муносиб кишилардан шакллантириш, барча даражалардаги ХДП кенгашлари ва бошланғич ташкилотлари котиблигига янгича фикрловчи, иймон-эътиқодли, изланувчан, ташаббускор, ташкилотчи, обрў-эътиборли, фидойи инсонларнинг сайланишига эришиш бирваракайига ва бир кунда ҳал этиладиган иш эмас. Бу ўта нозик, масъулиятли ва узоқ муддатли вазифадир. Унинг ўзига хос қийинчиликлари шундаки, биринчидан, гап аксарият ҳолларда жамоатчилик асосида бажариладиган (яъни асосий иш вазифасидан ташқари) масъул ишлар устида борса, иккинчидан, партиянинг кадрларни тайёрлаб берадиган махсус ўқув юртлари йўқ. Шунинг учун, бир томондан, раҳбар ходимларни танлаш ва жой-жойига қўйишда асосий эътибор ХДП аъзолари ичидан муносиб кишиларни аниқлаш, уларнинг ишчанлик, ташкилотчилик, одамлар билан ишлаш қобилиятларини ўрганиб чиқиб, тавсия этишга эътибор берилса, иккинчи томондан, сайлаб қўйилган фаолларнинг сиёсий савияси, маданий даражасини оширишга, уларни замонавий иш усуллари, пешқадам ташкилотлар тажрибаси билан таништиришга ҳаракат қилинмоқда.

Ҳозирги кунда ХДП тузилмаларида 16.098 киши унинг сайланма органлари аъзолари сифатида фаолият кўрсатмоқда, 373 киши турли даражалардаги кенгашлар, 14.441 киши бошланғич (ҳудудий) ташкилотлар котиблари бўлиб ишламоқдалар. Уларнинг орасида Ўзбекистон ХДП ташкил топгандан бери муқим меҳнат қилиб келаётган тажрибали раҳбар ходимлар ҳам, яқиндагина сайланган котиблар ҳам бор. Чунки, ХДП Низомининг раҳбар органлар таркибини мунтазам янгилаб туриш хусусидаги қоидаси ҳам бу нарсага қатъий риоя қилишни талаб этади. Зеро, лаёқатли ёшларни масъул лавозимларга кўтариш йўли билан, уларни етук раҳбар кадрлар этиб тарбиялаш — ташкилотимизнинг муҳим вазифаси. Шунингдек, партия ишида ўзини кўрсатган ходимларнинг давлат ва бошқарув идоралари, хўжалик ҳамда ташкилотларда ишлаш учун сайланаётганликлари ёки тайинланаётганликларини ҳам ҳисобга олмоқ керак. Шу боис, партия раҳбар ходимлари таркиби ҳамиша ҳаракатда, доимо янгланиб боради. Чунончи, 1995 йилдаги ҳисобот-сайлов мажлислари жараёнида БПТ котибларининг ярмидан кўпи ўзгарди. Марказий Кенгаш ва қатор вилоят, шаҳар, туман партия кенгашларининг раҳбарлари этиб янги кишилар сайландилар. Партия сайланма органлари таркибида ҳам муайян ўзгаришлар юз берди.

Шуларни ҳисобга олиб, партия раҳбар ходимлари заҳираларини тўлдириб бориш ва янги сайланган котибларни ўқитиш юзасидан турли тадбирлар амалга оширилмоқда. Вилоят, шаҳар, туман партия кенгашлари котибларининг республика ва минтақавий семинар-кенгашлари мунтазам ўтказилмоқда. 1997 йилда Андижонда, жорий йилда Бухорода шундай семинарлар бўлиб ўтди. Вилоят партия кенгашларининг аксариятида шаҳар, туман кенгашлари ва бошланғич партия ташкилотлари котиблари иштирокида кўргазмали семинарлар, “котиблар соатлари”, долзарб масалаларга бағишланган кенгашлар, “давра суҳбатлари”ни режали ўтказиш тажрибаси тўпланган. Бундан ташқари, Марказий Кенгаш ва вилоят партия кенгашлари қошида илмий-назарий семинарлар тузилган бўлиб, уларнинг ишида котиблар билан бирга фаоллар ҳам иштирок этмоқдалар. Масалан, Нукус шаҳар партия кенгаши БПТ котиблари учун ҳафтада бир марта ички партиявий ишлар бўйича маслаҳатлашув ташкил қилмоқда.

Бошланғич партия ташкилотлари котиблари билан ишлаш, уларга йўл-йўриқ кўрсатиш, услубий ёрдам бериш ХДП Сурхондарё вилоят, Ангор, Қумқўрғон, айрим бошқа туман кенгашлари фаолиятининг муҳим йўналишига айланган. Жарқўрғон партия кенгашида ҳар ҳафтанинг сешанба куни йирик бошланғич партия ташкилотлари котиблари тўпланиб, партиявий-ташкилий ва мафкуравий-сиёсий ишларнинг аҳволи, мавжуд камчиликлар ва уларни бартараф қилиш тўғрисида фикр-мулоҳаза билдирадилар, таклифлар киритиб, навбатдаги вазифаларни белгилаб оладилар. Мазкур туманлардаги БПТларида цех партия ташкилотлари котиблари кенгашларининг тузилишини ҳам ижобий баҳолаш керак.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши маҳаллий кенгашлар раҳбарларининг диққатини ўз аппаратларини партия ишини жондилдан севадиган ва унинг уддасидан чиқадиган кишилар билан мустаҳкамлаш, уларнинг касбий малакасини ошириш, ижтимоий муҳофазасини яхшилаш ва, пировард натижада, профессионал партия ходимлари билан жамоатчи партия фаоллари фаолиятларини уйғунлаштириш масалаларига жалб этмоқда. МКнинг қатор пленумлари, Сиёсий ижроқўм ва Котибиятнинг ушбу масалаларга бағишланган қарорларида партия аппарати ходимлари олдига сайланма органларнинг ишини техникавий ва ахборот-маълумот жиҳатидан қўллаб-қувватлаш баробарида, қуйи партия ташкилотларига услубий кўмаклашиш вазифалари қўйилди. Жойлардан олинган маълумотлар, кўплаб партия кенгашларининг бу борада ҳам маълум тажриба тўплаганларини кўрсатмоқда. Айтайлик, Сурхондарё вилоят партия кенгаши аппарати ходимлари шу йилнинг ўзида Термиз шаҳар, Сариосиё, Шўрчи, Қумқўрғон, Термиз туманларидаги 100 дан ортиқ БПТда бўлиб, улар олиб бораётган ишлар

Хатлар, хатлар, хатлар

Раҳбарнинг ғўри – жамоанинг шўри

Бозор иқтисодиёти шароитида раҳбарларга ўзгача талаб қўйилиши табиий. Боиси, етук, малака ва савияси мукаммал бўлмаган, ўзининг ҳар бир сўзи ва тадбирига нисбатан масъулиятни ҳис этмаган бошлиқ охир-оқибатда жамоа ўртасида парокандаликни юзага келтиради. Қуйидаги мактубда ҳам ана шундай нохушлик ҳақида шикоят баён этилган.

«Мактубни Фарғонадаги маҳбусхонадан йўллаяпмиз. Биз айбсиз айбдор бўлиб ҳибсга олинганлар — Ёзёвон туманидаги «Шарқ юлдузи» жамоа хўжалигининг агрономи, тафтиш гуруҳи раиси ва бригадирлар адолатсизлик туфайли шундай қилишга журъат этдик. Муддаога кўчадиган бўлсак, бошимизга ташвиш тушиб қолди. Келинг, яхшиси бир чеккадан ҳикоя қилайлик.

1997 йил эрта баҳори эди. Март ойи ўрталарида А. Навоий номли жамоа хўжалигининг Толқудуққум участкасида баҳорги дала ишлари олдидан семинар кенгаш бўлди. Туман ҳокими Олий Мажлис депутати (ҳозир собиқ) Хусан Аҳмадалиев сўзлаб тўпланган хўжалик раҳбарлари ва бригадаларга плёнка остига пахта экишимизни, бунинг учун шароитларни яхшилашни, иссиқ овқат билан таъминланиш, дам олишлар уюштирилиши лозимлиги, хўжаликлар ҳисоб рақамларида пули йўқлиги, омборларда озиқ-овқат танқислигини айтиб ўтди. Одамларни ишга жалб қилиш учун ички имкониятдан фойдаланиш зарурлигини уқдирди. Ҳар бир бригада ўз ўрамида полиз экиб, олинган даромадга яраша жамоа аъзоларини таъминлаш, дам олиш ва иссиқ овқатини йўлга қўйиш мумкинлигини тушунтирди. Собиқ раис Исроил Мирзаҳакимов бригадаларга бир гектардан майдонда, полиз экинлари билан шуғулланиш ва олинган даромадни аъзолар эҳтиёжига сарфлаш зарурлиги ҳақида буйруқ чиқариб қўямиз, деган гапни маълум қилди. Биз бу қарорга май ойидаёқ амал қилдик. Июнь ойининг бошларида эса хўжалик тафтиш комиссияси раиси Позилжон Ҳакимов ва ер тузувчи Асқарали Ҳайдаровлар бригадалар экқан полиз майдонларини ўлчаб: «Қарордан ортиқча экибсизлар, қарор 0,5 гектарга чиқарилган» деб айтишди. Биз шундагина қарорнинг асл моҳиятини тушунгандек бўлдик. Бригадирлар йиғилиб раисга экин майдони оз эканини тушунтиришга ҳаракат қилдик. У киши: сизлар ўзларинг учун эмас, халқ учун экдинглар, буни ҳамма билади, қарори бор. Ишларингни қилаверинглар, ишни юргизинглар», деб бизни чиқариб юборди. Август ойида аъзоларни тушган даромаддан қишлоғимиздаги «Уризор» дам олиш уйига чорладик. Аъзолар ўзларидан бир сўм ҳам сарфлашмади. Ҳамма мамнун бўлди.

Август охирида пахта теримидан олдин бригада аъзоларини Шоҳимардонга бир кунлик саёҳатга ҳам олиб бориш уюштирилди. Албатта хўжалик раиси ва профкомга бу борада учрашдик. Улар: «Полиздан тушган даромаддан бу ишни қилаверинглар, колхоз фақат автобус ажратиб беради. Чунки омбор қуриган, кассада пул йўқ», деб айтишди. Лекин сарф-харажатлар бўйича далолатнома ва ведомостлар тузиб аъзолар имзосини чектириб қўйганмиз. Сентябрь бошида эса туман давлат солиқ инспектори Икром Шералиев полиз экинлари учун ажратилган майдонларни ўлчаб, далолатномалар тузиб, бу ишлар нотўғри, деди. Биз мавжуд ҳужжатларни кўрсатдик. Правление қарорини ҳам илова қилдик. У бўлса ҳужжатларни тўғрилигини, лекин пуллар кассага кирим қилинмаганлигини айтди. Ҳаммамиз бу ишлар учун тушунтириш хати ёзиб бердик. Афсуски пулни кирим қилиш кераклиги ҳақида раис ҳам, бош ҳисобчи Муҳсин Дадажонов ҳам бу ҳақда лом-мим дейишмаган. Инспектор эса ҳужжатларни бухгалтерияга топширинглар деб далолатнома тузиб кетди. Бош ҳисобчи эса: «Ҳужжатлар ўзларингда турсин, керак бўлса оламан», деб қайтарди. Октябрь охирида туман прокуратураси жиноий иш қўзғатди. Сарсон-саргардонлик бошланди. 1997 йил ноябридан 1998 йил 19 январгача тергов бўлди. Кейин бизларни қамоққа олишди. Хизмат вазифасини суиистеъмол қилганлик, ҳужжатлар сохталиги ва порахўрликда айблар қўйилди.

Бизлар шу ёшга кириб ҳатто милиция нималигини билмаганмиз. Балки шунинг учун ҳам бундай ишларга ақлимиз етмаган. Терговчи сўроққа тутади, машинкада ёзади, қўл қўй дейди, ҳаммаси шу тахлитда давом этаверди. Ҳибсга олинганимизнинг иккинчи куни терговчилар (улар икки киши): «Икки соатнинг ичида ўзларингга адвокат ёлланглар», дейишди. Қаердан адвокат оламиз, деганимизда терговчилар, туман адвокатурасида Нурбоев дегани бор, — деди. Бир амаллаб Юсуфжон Нурбоевни топиб келдик. У ҳам терговчи қўлидаги қоғозларга «таништим» деб қўл қўяверинглар дегандан гапни айтди. Шундай қилдик. Эртасига вилоят адвокатурасидан бошқа оқловчини ёлладик. У ҳам ишлар билан танишиб «ташвишланманглар, ҳаммаси яхши бўлади» деб тинчлантирмоқчи бўлди.

Шу йил март ойи бошида Ёзёвон туман судида ишимиз кўрила бошланди. Терговчи эса бу пайтда бизлардан полизда етиштирилган маҳсулотларни сотиб, даромадини бригадаларга шунчадан тақсимлаб берганман, деган аризани прокуратура номига ёздириб олганди. Биз оқибатини билмасдан шу ишни қилиб, «порахўр» ҳам бўлиб қолдик. Ваҳоланки, суд пайтида ўша даромаддан манфаатдор бўлганлар гувоҳлик бериб: «Биз пулларни санаб олганмиз, ҳаммаси бизга сарф қилинган» деб эътироф этишди. Лекин бундай гувоҳлик инобатга олинмади. Собиқ раис ҳам судда бу-лар правление қарорини бажаришди, бажариш эса мажбурийдир, чунки хўжалик намунавий уставида шундай дейилган, деди. Лекин бу сўзлар ҳам оқибатсиз қолди. Оқибатда раис ҳам, ҳисобчи ҳам ҳар қандай даромад кассага кирим-чиқим қилиш лозимлиги қоидасидан бехабарлиги аён бўлди. Сарф-харажатлар ҳақидаги далолатнома хужжатларни эса, сохтага чиқариб қўйишди. Ваҳоланки, бу ҳужжатларда етмиштагача имзо бор. Имзолар ҳам ҳисобга олинмас экан.

Шундай қилиб, Ёзёвон туман суди И. Сўпиев билан Ё. Боборахимовларнинг молмулкини мусодара қилиб, тўрт йилга озодликдан маҳрум қилди. Қолган етти кишини ишини қайта тергов қилиш учун қайтарди. Таажжубли жойи шундаки, терговни яна ўша Уткир Шарофитдинов олиб борди. Аслида ҳеч қандай иш юритилмади. Июнь ойида Ёзёвон судида яна ишимиз кўрилди. Биз эса, Ёзёвон туман судига «ишончсизлик» билдирдик. Ишимизни Қувасой шаҳар суди кўрадиган бўлди. Яна умидларимиз пучга чиқди. Судга йиғилган бригада аъзоларининг нима сабабдан бизларни қамалганимиз ҳақидаги сўровлари ҳам жавобсиз қолди. Собиқ туман ҳокимининг гувоҳлик беришини талаб қилдик. Афсуски, у киши ҳам ўзининг айтган сўзларидан тонди. Хўжалик правлениеси аъзолари эса даъвогарликдан бош тортиб қўя қолишди. Эмишки, биз хўжаликка катта зарар келтирибмиз. Ваҳоланки, бултур хўжалик катта зарар билан чиққан. Буни ҳамма билади. Ҳар гектар майдонга пахта экишда 57 минг сўм сарфланиб, 52 минг сўмлик маҳсулот олинган. Биз эса, полиз майдонларидан 25-30 минг сўмдан соф даромад олганмиз.

Хуллас, 24 июль куни ҳукм ўқилди. Ҳаммамизнинг молмулкимиз мусодара қилиниб, Хабибулло Турсунов билан Позилжон Ҳакимовга етти йил, Комилжон Исоқов билан Расулохун Жўраевга тўрт йилу олти ой, Абдуҳалим Мадумаровга олти йил, Ахрор Ваҳобовга беш йил, Ғулом Машраповга ҳам беш йил қамоқ жазоси лойиқ кўрилди. Энди бир ўйлаб кўринг, собиқ туман ҳокими ўша семинарда: «Мен бундай гапларни айтмаганман», деяпти. Ундай бўлса тумандаги бошқа хўжаликлар кимнинг рухсати билан полиз экинларини экишга қўл уришган. Улар ҳам даромадларини кассага кирим қилишмаганку. Нега энди Ёзёвон тумани судида ҳудди шундай иш кўрилиб, Ўрмон Тошбоев номли жамоа хўжалиги бригадаларида йўл қўйилган ана шундай камчиликлардан сўнг, бор-йўғи маъмурий жазо билан кифояланиш ҳақида ҳукм чиқарилди. Адолат тантана қилмай биздек озодликдан маҳрум этилганларнинг ихтиёрларида оз эмас, кўп эмас 36 нафар (шундан 32 нафари вояга етмаган) фарзанди борлигини ким инобатга олади. Раҳбарларнинг сўзи билан меҳнат қилиб, одамларга яхшилик қилишга бўлган муносабат шуми? Бунинг устига биз «айбдорлар»нинг кексайган ота-оналаримиз бор. Расулохуннинг онаси у маҳбусхонада ётганида оламдан ўтди. Бундай армонга тоқат қилиб бўладими. Умуман бу нохуш воқеа ҳақида келажакда фарзандларимизга бирор жўяли гап тополмай, умр бўйи қийналиб ўтишимиз лозимми?. Ана шундай хулосалар билан зора нажот бўлса деган умидда таҳририятга хат йўллаб имзо чекдик.

Хабибулло Турсунов, Позилжон Ҳакимов, Комилжон Исоқов, Расулохун Жўраев, Абдуҳалим Мадумаров, Ахроржон Ваҳобов, Ғуломжон Машрапов, Ёдгоржон Боборахимов, Иброҳимжон Сўпиев»

Бош котибнинг маърузаси

БМТдан хабар қилишларича, ушбу халқаро ташкилотнинг Бош котиби Кофи Аннан яқинда ўзининг маърузасини эълон қилди. Маърузада асосан БМТнинг Афғонистондаги махсус ҳаракатларини мустаҳкамлаш масалаларига эътибор қаратилди. Айниқса Афғонистондаги оддий инсонпарварлик қоидаларига риоя қилиш ҳамда инсон ҳуқуқларини оммавий равишда ва доимий бузишга қарши кураш масалалари маърузада қамраб олинган. Ривожланган мамлакатларнинг Афғонистон саҳнасидаги «катта ўйинлари»га барҳам бериш ўта муҳимдир. Ҳужжатда айтилишича, толибонларнинг ҳарбий ютуқлари мамлакатдаги аҳволни чигаллаштириб юборди. Барқарорликни таъминлаш учун урушларни тўхтатиб, афғонлар ўртасида сиёсий музокаралар олиб бориш зарур. Шундагина, миллий тотувлик тикланиб, тинчлик ўрнатилади. Кофи Аннан «олти қўшув икки» шаклидаги гуруҳнинг аҳамиятини таъкидлаб ўтди. Яқин келажакда ушбу гуруҳнинг мажлисини чақириш зарурлигини эслатиб ўтди. Ушбу маъруза Хавфсизлик Кенгашининг 8 декабрь, сешанба куни бўладиган мажлисида муҳокама қилинади.

Эҳтиёткор раҳбарнинг эҳтиётсизлиги

Рио-Де-Жанейродан хабар қилишларича, доно ва эҳтиёткор сиёсатчи сифатида танилган Бразилия Президенти Фернандо Энрике Кардозу кутилмаганда мамлакат аҳолисининг энг гўзал қисми бўлмиш аёлларга нисбатан ножўя гап қилиб қўйди. Аёлларни ранжитадиган ушбу баёнотни давлат раҳбари Бразилия пойтахтида ўтказилган ижтимоий-таъминот муаммоларига бағишланган халқаро семинарда айтиб юборди. «Ҳозирги қоидаларга кўра, — деди Президент, — аёллар эркакларга нисбатан анча аввал пенсияга кетишмоқда. Гарчи улар эркакларга нисбатан узоқ умр кўрсалар ҳам шундай бўляпти». Унинг бу сўзлари парламентдаги турли сиёсий партияларнинг вакиллари бўлмиш аёлларнинг ғазабини қўзғатди. Депутат Рита Камата эса, очиқ-ойдин «Майли Президент ошхонага борсин, кир ювсин, болаларга қарасин, квартирани йиғиштирсин, бундан ташқари ишга ҳам бориб келаверсин, ана шунда биз унинг ҳолини кўрамиз», деди.

Ҳукуматда ўзгариш

Ливан ҳукуматида ўзгариш юз берди. Янги Бош вазир этиб мамлакатдаги энг таниқли сиёсатчилардан бири — 69 ёшли Салим Ал-Хосе тайинланди. У аваллари ҳам ушбу лавозимни бир неча бор эгаллаган. 1987 йилда унга қарши суиқасд уюштирилган эди. Ўшанда унинг қўриқчиларидан бири ҳалок бўлган эди. Янги Бош вазир Ал-Хосе ҳукумат бундан буён бюджет танқислигини бартараф этиш ва молиявий аҳволни яхшилаш йўлидан боришини айтди. Би-Би-Си мухбирининг Байрутдан тарқатган хабарига кўра, Ал-Хосе ҳурматга сазовор сиёсатчи бўлиб, мамлакат Президенти генерал Эмиль Лахуд билан бирга ўсиб бораётган коррупцияга қарши курашни кучайтирмоқчи.



Янги Бош вазир тайинланди

Туркия чап демократик партиясининг раиси Бюлент Эжевит Бош вазир этиб тайинланди. У яқинда Анқарада янги ҳукумат тузишга киришди. Туркия Президенти Сулаймон Демирэл унга бу ишни топширди. Анадолу ахборот агентлигининг хабарига кўра, янги Бош вазир Президент билан учрашганидан сўнг, журналистларга айтдики, у қисқа муддатда янги Вазирлар Маҳкамасини ташкил этармиш. Бу ҳукумат парламент олдида ишонч қозонади, деди. Бюлент Эжевит 25 ноябрь куни мафия билан алоқада бўлганлиги учун парламент томонидан истеъфога чиқарилган Месут Йилмазни алмаштирди. Янги Бош вазир 73 ёшда. У яқингинада Бош вазир ўринбосари эди. Бюлент Эжевит ҳукуматни учинчи марта бошқармоқда. У аввал 1973 йилда, кейин эса, 1978 йилдан 1979 йилгача Бош вазир бўлган эди.

Куролли кучлар сонини қисқартирмоқчи

Камбоджа Бош вазири Хун Сен олий ҳарбий қўмондонлар билан учрашувида ҳукумат яқин келажакда қуролли кучлар сонини қисқартирмоқчи эканлигини айтди. Унинг айтишига кўра, ушбу қарор секин-аста ҳаётга жорий этилиб, армиядан бўшатилган аскар ва зобитлар ишга жойлаштирилади ва оддий ҳаёт тарзини давом эттирадилар. Камбоджа профессионал армияни зарур миқдорда асраб туриши керак. Қуролли кучларни қисқартиришдан тежаб қолинган маблағ ижтимоий соҳани, биринчи навбатда соғлиқни сақлаш ва маорифни ривожлантиришга сарфланади.

РИА «Новости»

Пиёдаларга қарши миналарни таъқиқлаш куни

Пиёдаларга қарши миналарни таъқиқлаш бўйича халқаро шартнома имзоланганига бир йил тўлди. 1997 йилнинг 2 декабрида Оттава шаҳрида 122 мамлакат вакиллари ушбу ҳужжатга имзо чекишди. Ушбу ҳужжат халқаро қонун кучини олди. Ҳозирча АҚШ, Россия ва Хитой бу ҳужжатни имзолашгани йўқ. Кеча Канада пойтахтида ушбу қурол турйдан қурбон бўлганларнинг хотираси ёдга олинди. Канада ҳукумати эса, пиёдаларга қарши миналарни таъқиқлаш йўлидаги тадбирларни амалга ошириш учун юз миллион Канада долларига тенг миқдордаги махсус жамғармани таъсис этди.



Фермер бўламан *Ўктам ШАРИПОВ олган сурат*

Кучлилар сараланмоқда

Спорт

Эртага Таиланд пойтахтида 13-Осиё ўйинлари бойроғи кўтарилади. Анъанага кўра футбол учрашувлари барвақт бошланди. Гуруҳларда саралаш учрашувлари қизғин давом этмоқда. Натижалар билан танишинг: Туркманистон — Вьетнам — 2:0, Туркманистон — Жанубий Корея — 3:2, Хитой — Ливан — 4:1, Гонгконг — Уммон — 0:6, Тожикистон — Мальдив — 3:0, Непал — Япония — 0:4, Япония — Ҳиндистон — 1:0, Камбоджа — Хитой — 4:1, БАА — КХДР — 3:3, (пенальти-4:1), Эрон — Қозоғистон — 2:0, Қозоғистон — Лаос — 4:0, Ўзбекистон терма жамоаси куч синашаётган гуруҳда ҳам учрашувлар бўлиб ўтди. Маълумки, қувайтликлар монгол футболчиларини 11:0 ҳисобида доғда қолдиришган эди. Футболчиларимизнинг Қувайт йигитлари билан учрашуви ҳам қизиқарли бўлди. Ўйиннинг 4-дақиқасида Миржалол Қосимов ҳисобни очган бўлса, 42-дақиқада Ал Ҳувайди жавоб тўпи киритиб қўйди. Шундан кейин, 63-дақиқада Александр Хвостунов жамоадошларига кўмак берди. 72- дақиқага борганда Андрей Акопянц ўзини кўрсатди. Бироқ қувайтлик Фарж Лохиб 78 ва 90 дақиқаларда ҳисобни тенглаштирди. Футболчиларимиз эса бугун бўладиган Монголия жамоаси билан учрашув олдидан гуруҳда 2-ўринга даъвогарлик қилиб туришибди. Борди-ю, футболчиларимиз астойдил ўйнаб монголларни йирик ҳисобда мағлубиятга учратишса, гуруҳ ғолиби сифатида 2-босқичга йўл олишлари мумкин. Ҳозирча Туркманистон, Хитой, Камбоджа, БАА ва Япония футболчилари учрашувларни давом эттириш ҳуқуқига эга бўлишди.

Ўз-Силм тил ва компьютер маркази

Қуйидаги курсларга қабулни давом эттиради:

Инглиз тили — Оксфорд университети тизими асосида олиб борилади. Ўқувчилар курс давомида ўқув ва махсус адабий китоблар билан таъминланадилар. Дарсларда, шу билан бирга аудио-видеоматериаллар қўлланилади. Тўлиқ курс муддати 7 босқич (ҳар босқич 3 ой давом этади).

Турк тили — муддати 3 босқич.

Компьютер курслари — Windows NT, MS Word,97. MS Excel 97 (Pentium 166 компьютерларида), 3 ой давомида компьютерни бошқариш мукаммал ўргатилади.

Компьютерда программалаш курслари — Pascal, Visual Basic

Ҳисобчилар учун махсус амалий компьютер курси

Тил курсларига ўқувчилар билимларига кўра гуруҳларга ажратилади.
Курсларга қабул 10 декабрь 1998 йилда бошланади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳар, Пушкин кўчаси, 69-уй, (метронинг «Ҳамид Олимжон» бекати, собиқ «Пионерлар уйи» биноси, 1-қават)
Тел.факс: 133-34-22.

Тошкент вилояти Давлат мулк қўмитаси ва Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси ҳамда Тошкент вилояти Кўчмас мулк биржаси Зангиота тумани ҳокимлиги билан биргаликда 1998 йил 21 декабрда навбатдаги

кимошди савдосини ўтказади

Савдога Тошкент вилояти Зангиота туманидаги қуйидаги ер участкалари қўйилмоқда:

Участка жойлашган ер	Ер участкаларининг сони	Битта участканинг майдони (кв.м)	Ҳар бир участканинг бошланғич нархи (сўм)
Зангиота тумани, «Назарбек жамоа хўжалиги»	21	600	261000.0
Зангиота тумани «Назарбек» жамоа хўжалиги	2	400	174000.0

Кимошди савдоси Тошкент вилоятининг Зангиота тумани ҳокимлиги биносида 21 декабрь соат 11.00да бошланади.

Аризалар 18 декабргача қабул қилинади.

Манзил: Зангиота тумани ҳокимлиги биноси: Телефонлар: (297) 53-776, 133-28-52, 133-77-18.

Тақозо ва... ҳоказолар

(Давоми. Боши 1-бетда)

Хўжаликнинг қарзи ошиб борди. Эндиликда ижарачиларнинг йиллаб ўз иш ҳақларини олиш учун идора олдида «тунаш»лари одатдаги воқеага айланиб қолди...

«Тўғри, раислик ёки раҳбарликни мен отамерос деб билмайман. Ҳеч кимни боғлаб қўйгани йўқ! Аммо, кутилмаганда вазифадан олишса алам қиларкан. Бирор айб қўйишса ёки ишимдан камчилик топишса... чидаш мумкин эди. Бор-йўқ «айбим» — ўша вақтда вилоят ҳокими бўлиб ишлаган киши тўғрисида бир кичик даврада ҳақ гапни айтганим эди. Ҳамма ерда ҳозир-нозир айғоқчилари шу гапни кўтариб, каттадан «суюнчи» олишган. У эса мени бўшатиш ҳақида туман ҳокими олдига ультиматум қўйган...»

Қирқ тўрт ёшида ноҳақ ишдан бўшатилган раиснинг бу сўзларида аламзадалик йўқ. Ҳақни айтганидан мағрурланиш сезилади. Аммо, «ўтин ёрган болтанинг ташқарида қолиши»... ҳамма замонларда орияти бор кишиларга алам қилади.

Раҳбарларнинг «шоҳмот ўйини»га тушганлардан яна бириси тумандаги «Хоразм» жамоа хўжалиги раиси Тоҳир Жуманиёзов бўлди. Саксонинчи йиллардаги Гдлян қатағони ажалгоҳларидан омон чиққан, бандигоҳларда саккиз йил ётса-да маънан ва жисман синмаган Тоҳир акани юртдошлари хўжаликка раисликка ўзлари таклиф қилишганди. Қисқа фурсатда Тоҳир ака кутилмаган натижаларга эришди-ю бир йиғилишда ҳақ сўзни айтиб туман ҳокими Ш. Муродов билан оралари бузилди. Уни ҳам Ражаб раисга ўхшатиб, «аризасига биноан» вазифасидан олиб ташлашди. Ўрнига ҳоким тавсиясига кўра тайинланган раҳбар хўжаликни қолоқлик ботқоғига ботирди. Ва ўтган йили кўпчиликнинг талаби билан Тоҳир ака яна хўжалик раислигига лойиқ кўрилди. Бир йилдаёқ иқтисодий соҳада сезиларли ўзгаришлар қилинди...

«М. Жуманиёзов ва Ш. Муродовлар вилоят ва туман ҳокимлигидан кетишгач, туманда йўл қўйилган кадрлар масаласидаги камчиликлар қисман бартараф қилинди, — дейди Ражаб раис. — Аммо, эндиликда ҳам кимгадир ёқишинг, кимгадир ёқмасинг кўп нарсани ҳал қиляпти. Каттакон бир қурилиш ўрни борасида қачонлардир ҳозирда ҳокимлик қилаётган шахс билан тортишиб қолганим... менинг учун барча даргоҳлар эшигига солинган қулф ўрнини ўтамокда...»

Йўлбошчимизнинг Самарқанд ва Навоий вилоятлари халқ депутатлари кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида куюнчаклик билан айтган сўзлари халқимизнинг кўнгил тубида йиғилиб қолган ҲАҚ СЎЗлар бўлди. Қариндошуруғчилик, лавозимни суиистеъмол қилиш кўпгина ҳокимлар учун одатдаги ҳолга айланди. Зеро, бу камчиликлар фақат икки вилоят учун хос эмас. Ёмонликнинг уруғи тез кўпаяди деганларидек, жойларда «ўзлари хон — кўланкалари майдон» бўлмиш кимсалар мансаб курсиларига мингач, қўл остидаги раҳбарларни садоқатига қараб, ошно-оғайнигарчилик таомилига кўра танлашга ўтишди. Узоқ йиллар ўзига ишониб топширилган соҳада ҳалол ишлаётган, кеча-кундузни эл ташвишларига баҳшида этган кишилар шу тариқа «нолойиқ» раҳбарлар тоифасига ажратилдилар. Мисол учун...

... Рўзимбой ака Оллоёровни нафақат Ҳазораспда, балки бутун воҳада яхши билишади. Табиатан ижодкор — бўш вақтларида ҳайкалтарошлик, рассомчилик, нафис адабиёт билан шуғулланадиган, ўта ишчан, ташаббускор Рўзимбой ака 26 йил давомида тумандаги энг йирик — «Обод» жамоа хўжалигига етакчилик қилди. Бу ўринда «етакчилик қилди» деб камтарона айтаяпмиз. Аслида шу хўжаликни йўқдан бор қилган киши бевосита Рўзимбой акадир. Лекин...

«... Кексалик нафақасига чиқишимга атиги уч ой қолганида мени вазифамдан озод қилдилар. Кимнингдир кўрсатмаси билан. Тўғри, мен умрим сўнгигача раислик қилиш ниятида эмасдим. Алам қиладигани , бутун умрим елиб-югуриб ишладим. Ҳеч бўлмаганда уч ой кутишмади, нафақага кузатиб қўйишни билишмади...»

Адашимнинг бу аччиқ сўзлари замирида ҳам «кимларгадир ёқмаслик» деган лаънати тушунча ётибди.

Умуман шу ўринда «команда» тушунчасининг айрим раҳбарлар томонидан бошқача мазмун касб этаётганини айтиб ўтмоқ керак. Айнан «ўз командасини тузиш» шиори остида олиб борилган кадр танлаш натижасида сўнгги тўрт-беш йилда вилоятдаги айрим жамоа хўжаликларида ҳатто икки-уч мартадан раислар алмаштирилди. Бу ўз навбатида ишнинг олға силжишига эмас, орқага кетишига сабабчи бўлди. Ўн-ўн беш йиллаб хўжаликларни бошқарган, бу борада тажриба тўплаган, халқ ташвишини ўз ташвиши деб қабул қилишга одатланган раислар қисқа фурсатда «ўтмиш мулки»га айландилар. Улар ўрнига келган тажрибасиз раислар вазиятни англаб етгунча, одамлар билан яхши танишгунча, экин майдонларини тўла ўргангунча... вақтдан ютқазилди. Айрим ҳолларда ҳар йили хўжаликларнинг раисларини шоҳмот доналари каби алмаштириб туриш тажрибаси ҳам қўлланилди... Сўнгги йилларда вилоятда юзга яқин раис алмаштирилгани бор гап.

Бу ҳолатни «давр тақозоси» деб ўзини оқлайдиган раҳбарлар топилар. «Кетганлар» эса «тақдир тақозоси» деб қабул қилишар. Ана шу «тақозолар» қатида яширинган «ҳоказолар»-чи?! Буларни қачонгача сир тутиш, айтмаслик мумкин? Айтиш, ёзиш учун йўлбошчимизнинг кўрсатмаси — дадил танқидларини кутиб туриш керакмиди?!

«Кетганлар»нинг айбини айтиш «қолганлар»нинг хатоларни тўғрилашларига ёрдам бериши учунгина ёзиш керакмикан? Балки...

... Яқинда Ражаб раисни учратиб қолдим. Ҳали элликка кирмасдан сочларига оқ оралаган, юзларига ажин тушган кишининг (айнан ишлайдиган вақтида бекорчиликдан эзилаётган кишининг) кўзларига тик қарай олмадим. Ахир бу ҳақда бундан тўрт йил муқаддам ёзишим керак эди! Ёзишимиз шарт эди. Эндигиси фақат таскин. Эндигиси бизнинг ожизлигимиздан нишона...

Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири

«Ўзбекенгилсаноат» уюшмаси

1998 йил 10,11 ҳамда 12 декабрда Мулкчилик шаклидан қатъи назар ташкилот ва корхона раҳбарларини, ходимларини 1999 йил учун енгил саноат товарлари улгуржи савдо республика ярмаркасига иштирок этишга таклиф этади.

Ярмарка қуйидаги манзилда ташкил қилинади:
Тошкент шаҳар, Бобур кўчаси, 45.
Мўлжал: Тўқимачилар саройи.
Маълумот учун телефон: 53-19-05

ҲАФТАЛИК ҲУРСАНДЛАР

ДУШАНБА 7

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00–8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 6 йиллигига. «Узлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
9.05 «Жаҳон спорти».
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 1-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Билим-ринг».
10.45 Кино янгиликлари.
11.00 «Жаҳон киноси юлдузлари».
11.20 «Қушигимиз Сизга армуғон». Мусиқий дастур.
12.05 Кундузги сеанс. «Гулобод ва хон Феруз». Бадиий фильм.
13.25 «Обод уйда пок одамлар яшайди». Таҳлилий кўрсатув.
13.50 «Баҳром ва Дилором». Мультфильм.
14.10–14.35 «Саҳна ҳаёти».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
18.30 «Олам ва одам».
18.45 «Юрт ҳавоси даво».
19.00 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 6 йиллигига. «Истиқлол нашидаси». Мусиқий дастур.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.00, 23.20 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Биржа ва банк хабарлари».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Иқтисод ва биз».
21.30 «Навбаҳор» ашула ва рақс ансамблининг концерти.
22.05 «Сиёсат оламида».
22.25 XIII Осиё ўйинлари кундалиги.
22.35 «Маънавият» дастури.
23.25 «Ахборот».
23.55 Футбол. Осиё ўйинларида.
01.25–01.30 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.20 «Уйна, гулим, уйна».
9.40 «Мутойиба».
10.05 «Ёшлар» телеканалида.
10.10 «Мезон». Ўзбекистон Республикаси Конституцияси кунига.
10.25 «Лаззат».
10.40 «Буни кино дейдилар». Телесериал.
11.05 Цирк, цирк, цирк.
11.25 Бир жуфт қўшиқ.
11.35 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал.
12.20 Ҳожибой қизиқ: «Танимадинг-а...». 3-кўрсатув.
12.50 «Синбод». Телесериал.
13.35 «Интерфутбол».
14.20 «Синема».
15.50 «Жаҳон жуғрофияси».
16.40 «Дунё ҳафта ичида».
17.00 «Аёл зоти». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 2-3 қисмлар (такрор.).
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Ёшлар» телеканалида премьера. «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал.
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Менинг фикрим».
19.40, 20.30, 22.25 — Эълонлар.
19.45 «Морена Клара». Телесериал.
20.35 «Жаҳон». Халқаро шарҳ.
20.55 «Сурур».
21.05 «Ҳудуд». Қўқон шаҳри.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «О, ёшлигим!».
21.55 Мусиқий лаҳзалар.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 Синема. «Газаб отига миниб».
24.00 Араб эстрадаси.
00.15 Хайрли тун!

TV

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
8.20 «Кино ва замон».
8.50 Дилором наволар.
9.05 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
9.50 «Ёввойи табиат».
10.15 «Ҳамшаҳарлар».
10.45 Болажонлар экрани.
12.15 «Билиб қўйган яхши».
12.30 «Бурч ва масъулият».
12.40 Ҳудуд «М». Ёшлар дастури.
13.05 «Бева Бланка». Телесериал.
13.50 «Бешинчи ўлчов».
14.10–14.35 «Нафосат гулшани».
* * *
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Зя ва унинг дўстлари ҳузурида».
18.30 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.45 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Очиқ дарс».
20.15 Телефакт.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Таггерт». Телесериал.
21.55 «Мухлис—ТВ».
22.15 «ТТВ мусиқаси — хатларга биноан».
22.45 «ДАРАКЧИ».
22.55 «Спорт-тайм».
23.25 Телефакт.
23.40 Оҳанглар ва эълонлар.
23.50 Саргузашт фильмлар экрани.
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«Халқаро» телеканали

16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси Россия жамоат телевидениеси.
18.45 «Бу ерда ва ҳозир».
19.05 «Душанба куни Познер билан. «Биз» дастури.
19.45 «Соялар чошгоҳда йўқолади». Сериал.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 147-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Давр қомуси».
22.40 «Ўтмишсиз келажак йўқ».
23.00 «Вести».
23.30 «Замонавий дизайн».
23.50 Киносеанс: «Ишдаги ишқ». Бадиий фильм. 1-серия.
01.15 «Ахборот» (рус тилида).
01.40 «Ишдаги ишқ». Бадиий фильм. 2-серия.
02.45–02.50 Тунингиз осуда бўлсин!

СЕШАНБА 8

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00–8.30 «Ахборот».
8.30 Болалар учун. «Чамандаги гуллармиз».
8.55 «Риоя». Кинокомпозиция.
9.10 «Қўшиғимдасан, Ватан». Мусиқий дастур.
9.40 «Давр — менинг тақдиримда».
9.55 «Маржон». Телевизион клуб.
10.25 «Қирол шер». Мультфильм.
12.00 «Битта байроқ остида».
12.20 «Диёр тароналари». Мусиқий дастур.
12.50 «Ўзбекистон — чет элликлар нигоҳида».
13.10 «Шеър ва шуур».
«Умид» намойиш этади:
13.20 «Шу Ватанга бордур менинг керагим».
13.40 «Эстрада ва ёшлар».
14.10 «Қувноқлар ва зукколар».
*
14.55 Болалар учун. «Умид учқунлари».
15.15 «Юлдузингни бер осмон». Бадиий фильм.
16.35 «Узгараётган шаҳар».
16.55 «Қора қаср». Мультфильм.
17.15 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...».
17.25 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
17.50 Бир жуфт қўшиқ.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Жавҳар». Публицистик кўрсатув.
18.30 «Ҳамма қуриши шарт ... эмас». Мусиқий-дам олиш дастури.
19.25, 20.25 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Бинокор».
20.15 «Эл соғлиги — юрт бойлиги».
20.30 «Ахборот».
21.00 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 6 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш ва концерт.
22.30 XIII Осиё ўйинлари кундалиги.
22.40 ЎзТВ экранида биринчи марта. «Яратганга шукур». Бадиий фильм. (Ўзбекистон — Япония).
00.20–00.25 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ КУНИ

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Билогон маслаҳати», Мультгомоша).
18.40 «Газал соғинчи».
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Ватан мадҳи». Мусиқий дастур.
19.40, 20.35, 22.25 — Эълонлар.
19.45 «Ёнмаган ёзувлар».
20.10 «Марду майдон».
20.25 «Ёшлар» телеканалида премьера. «Океан ортидан салом». (Ўзбектелефильм»).
20.35 «Одамлар орасида».
20.50 Мусиқий лаҳзалар.
21.00 «Ёшлар» телеканалида премьера. «Аёл зоти». Кўп қисмли бадиий фильм. 4-қисм.
21.30 «Эркин фикр».
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 Синема.
00.10 Хайрли тун!

TV

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 6 йиллиги

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Истиқлол рамзи». Телефильм.
8.10 «Умрбоқий мерос».
8.25 «Онагинам».
8.50 Ҳаётимизнинг асосий қомуси.
8.55 «ДАРАКЧИ».
9.05 «Ватанимни куйлайман». Концерт.
9.35 «Тўйлар муборак!». Бадиий фильм.
10.40 «Фаолият».
10.55 «Сен ҳақингда ва сен учун».
11.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Нафосат олами».
11.25 «Сухбатдош».
11.45 Ҳаётимизнинг асосий қомуси.
11.50 «Учрашув».
12.30 «Олтин нохун».
12.45 «Адабий иқлим».
13.15 «Тошкент ва тошкентликлар».
13.30 «Куйла, ёшлигим».
14.00 «Эверест-98».
14.25 Ҳаётимизнинг асосий қомуси.
14.30—14.55 «Зебо, Зиёда ўйнар». Фильм-концерт.
* * *
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 Болалар учун. «Митти юлдузлар шўъласи».
18.20 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
18.50 Телефакт.
19.00 «Шукуҳли диёрим».
19.20 Ҳаётимизнинг асосий қомуси.
19.25 «Ўзбекистоним, сенга».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Ҳамшаҳарлар».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ханда дўкони».
21.35 Ҳаётимизнинг асосий қомуси.
21.40 «ДАРАКЧИ» (ўзбек тилида).
21.50 «Спорт оламида».
22.05 «Мулоҳаза учун мавзу».
22.30 «Қушларга эргашган инсон». Бадиий фильм.
24.00 «ДАРАКЧИ».
00.10 Хайрли тун, шаҳрим!».

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30 — 9.00
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Бу ерда ва ҳозир».
19.05 «Мавзу».
19.45 «Соялар чошгоҳда йўқолади» (якунловчи серия).
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 148-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Тараққиёт ва барқарорлик кафолати».
22.40 «Моҳир».
23.00 «Вести».
23.30 «Юртим нашидаси». Концерт.
24.00 Киносеанс: Жан Поль Бельмондо «Моҳир» фильмида.
01.30 «Ахборот» (рус тилида).
01.55 Тунги сеанс: «Вельд». Бадиий фильм.
03.20—03.25 Тунингиз осуда бўлсин!

ЧОРШАНБА 9

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00–8.30 «Ахборот».
8.30 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Гўзаллик оламида».
8.40 «Муҳаббат бошимдан кетмасин». Мусиқий дастур.
9.05 «Жан Кристофф». Телевизион бадиий фильм. 5-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Алифбо сабоқлари.
10.35 «Талаб ва таклиф».
10.55 «Умр мазмуни».
11.20 «Эски уй соҳиблари». Мультфильм.
11.30 Узбек куйларидан концерт.
12.05 «Мактублар — кабутарлар».
12.30 Кундузги сеанс: «Ямбуй ажинаси». Бадиий фильм.
14.10–14.55 Футбол. Осиё ўйинларида.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Сени Ватан кутади».
18.30 «Фавқулодда 15 дақиқа».
18.45 «Ҳунарманд». Тележурнал.
19.05 «Солиқ ва назорат».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Таълим-тарбия миллий дастури — амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тафсилот».
21.25 «Санъатим — саодатим». Мусиқий дастур.
21.50 XIII Осиё ўйинлари кундалиги.
«Тунги ҳамроҳ»:
22.00 «Янги авлод».
22.20 «Кулги терапияси».
22.45 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал.
23.35 «Ахборот».
00.05 Футбол. Осиё ўйинларида.
01.35–01.40 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Спорт майдончаси», Мультгомоша).
18.40 «Семурғ». Ўсмирлар учун ахборот-кўнгилочар дастури.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 Қалб садолари.
19.35 «Рақурс». Ўзбекистон бадиий академияси раиси Турсунали Қўзиев.
20.00 Спорт-лотто.
20.10 «Лаззат».
20.25, 22.25 — Эълонлар.
20.30 «Чекмасдан ёшлик гаштини сур».
20.45 «Сиз севган хонанда».
21.00 «Ринг».
21.15 «Рақслар қанотида». Ирода, Шаҳризода Дилмурод қизлари.
21.35 «Авторейд».
21.45 «Ёшлар» телеканалида.
21.50 Мусиқий лаҳзалар.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.30 Футбол. УЕФА кубоги.
24.00 Хит-коллекция.
00.20 Хайрли тун!

TV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Ёрилтош». Мультўплам.
18.30 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.15 «Ёқимли оҳанглар».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Тошкент ва тошкентликлар».
20.15 «Оқ йилқи». Телефильм.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Хайрли оқшом».
21.35 «Таггерт». Телесериал.
22.25 Эстрада концерти.
22.40 «ДАРАКЧИ».
22.50 «Кузгу».
23.10 Оҳанглар ва эълонлар.
23.20 Видео—«О».
01.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Бу ерда ва ҳозир».
19.05 «Инсон ва қонун».
19.45 «Чироқлари синган кўчалар-II». Милиция сериали.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 149-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Дурдаршан».
22.45 «Телешифокор».
23.00 «Вести».
23.30 Киносеанс: «Прерия». Бадиий фильм.
01.00 «Ахборот» (рус тилида).
01.25 Тунги сеанс: «Ишбилармон кишилар». Бадиий фильм.
02.45—02.50 Тунингиз осуда бўлсин!

ПАЙШАНБА 10

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00–8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Юрак, сенсан менинг созим». Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Кодекс».
10.30 Янги алифбони ўрганамиз.
11.00 «Саргайган саҳифалар». Адабий кўрсатув.
11.20 «Теран томирлар».
11.40 «Ҳаёт сабоқлари». Публицистик кўрсатув.
12.05 Кундузги сеанс. «Финист-сарлочин». Бадиий фильм.
«Умид» намойиш этади:
13.20 «Дунё кўриб, дунёлар ярат».
13.40 «Газалхон ёшлигим».
14.10—14.55 Футбол. Осиё ўйинларида.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Қизча ва қуёнчалар». Мультфильм.
18.20 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.35 «Ажаб саодат эрур...». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00, 22.10 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
21.40 «Олам кўшиққа тўлсин». Мусиқий дастур.
22.15 «Миллий таълим уфқлари».
22.45 XIII Осиё ўйинлари кундалиги.
22.55 «Сомон йўли».
23.55 «Ахборот».
00.25—00.30 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал.
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 Ёшлик наволари.
19.40, 20.30, 22.45 — Эълонлар.
19.45 «Морена Клара». Телесериал. Охирги серия.
20.35 «Одобнома».
20.45 Ёшлик формуласи.
21.00 «Ёшлар» телеканалида премьера. «Аёл зоти». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5-қисм.
21.30 Шарқ эстрадаси.
21.40 «Мезон».
21.55 «Ёшлар» телеканалида.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.25 «Дойче Велле» тақдим этади...
22.50 Футбол. Чемпионлар лигаси.
00.20 Хайрли тун!

TV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 «Ёрилтош». Мультўплам.
18.20 «Билиб қўйган яхши».
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.15 Мусиқий дақиқалар.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «ТВ ва театр».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Оқибат». Телесериал.
21.55 Ҳудуд «М». Ёшлар дастури.
22.20 «Яхши кайфият».
22.50 «ДАРАКЧИ».
23.00 Оҳанглар ва эълонлар.
23.10 Видео—«О».
00.50 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
17.10—18.45 Туркия телевидениеси Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Бу ерда ва ҳозир».
19.05 «Эслашлари учун...». Юрий Белов. Кўрсатувни Л. Филатов олиб боради.
19.45 «Чироқлари синган кўчалар-II». Милиция сериали.
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 150-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «02» тўлқинида.
22.40 «Спорт-клуб».
23.00 «Вести».
23.30 «Кино сайёраси». Д. Хофман.
23.50 Кинематограф: Д. Хофман, Ш. Стоун «Тармоқ» фантастик жангари фильмида.
01.50 «Ахборот» (рус тилида).
02.15—02.20 Тунингиз осуда бўлсин!

ЖЎМА 11

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
8.30 Лирик тароналар.
8.50 «Инсон — ҳаёт гултожи».
9.05 «Жан Кристофф». Телевизион бадиий фильм. 6-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 «Меъёр».
10.55 Халқ ижодиёти.
11.15 «Оила ва жамият».
11.35 «Маърифат маскани».
12.05 Кундузги сеанс. «Товламачи». Бадиий фильм.
13.35 «Бастакорлар бисотидан». Мусиқий дастур.
14.10 — 14.55 Футбол. Осиё ўйинларида.
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Бир сиқим тупроқ».
18.30 «Сиҳат-саломатлик».
18.50 «Тараққиёт гарови».
19.10 «Парламент соати».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Ойдин кўчалар». Кинокомпозиция.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мавзу».
22.05 «Назм ва наво». Фузулий лирикаси.
22.40 XIII Осиё ўйинлари кундалиги.
22.50 «Азиз сиймолар».
23.10 «Ўзлигинг намоён қил». Экранда — Навоий вилояти.
23.40 «Ахборот».
00.10 Футбол. Осиё ўйинларида.
01.40–01.45 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Умид чечаклари», Мульт-томоша).
18.40 «Ислом ва ёшлар».
18.55 Мусиқий клип-антракт.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Шабнам».
19.40, 20.30, 23.00 — Эълонлар.
19.45 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал. Охирги серия.
20.35 «Автосалтанат».
20.45 «Азизим».
21.10 «Ўйна, гулим, ўйна».
21.20 Ҳожибой қизиқ: «Танимадинг-а...». 4-кўрсатув.
21.50 «Ёшлар» телеканалида.
21.55 Мусиқий лаҳзалар.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.25 «Интерспорт».
22.40 «Ширин орзулар».
23.05 Синема. «Алдашга уринманг». (Ҳиндистон). 1-қисм.
00.30 «Мунаввар тонг истаб!».

TV

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 «Ёрилтош». Мультўплам.
18.35 «Санта-Барбара». Телесериал.
19.15 Мусиқий лаҳзалар.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.20 «Туйғуларим».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Оқибат». Телесериал.
21.50 «Дардингизга даво...».
22.05 «Адабий иқлим».
22.25 «Жума оқшомида».
22.50 «ДАРАКЧИ».
23.00 «Ишдаги ишқ ёки...».
23.20 Спорт оламида.
23.50 Оҳанглар ва эълонлар.
24.00 Кинонигоҳ.
01.40 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
7.30—9.00
16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».
17.10—18.45 Туркия телевидениеси
18.45 «Ҳуқуқ ва жамият.
19.00 Телефильм.
Россия жамоат телевидениеси
19.15 «Сиҳат-саломатлик».
19.45 «Мўъжизалар майдони».
20.45 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.35 «Муҳаббат тарихи». Телесериал. 151-қисм.
22.20 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
22.25 «Таъзим».
22.40 «Дил изҳори».
23.00 «Вести».
23.30 «Оскар» совриндорлари антологияси».
23.45 «Жизи». (1959 йил). Бадиий фильм.
01.35 «Ахборот» (рус тилида).

02.00-02.05 Тунингиз осуда бўлсин!

ШАНБА 12

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.05 «Бизга мактуб йўллабсиз».
9.25 «Ташриф қоғози».
10.05 «Шоҳруҳ» клуби.
10.25 Телевизион миниатюралар театри.
«Умид» намойиш этади:
11.00 «Очиқ дарс».
11.20 «Талабалик йилларим».
11.40 «Бўстон». Тележурнал.
12.10 Кундузги сеанс. «Келинлар кўзғолони». Бадиий фильм.
13.25 «Бевосита мулоқот».
14.10 Куйла, ёшлигим». Мусиқий дастур.
14.30 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
15.05 — 15.50 Футбол. Осиё ўйинларида.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Болалар учун. «Фламинго».
18.20 «Мувозанат». Ахборот-таҳлилий кўрсатув.
18.40 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 21.00, 22.30 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.20 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.05 XIII Осиё ўйинлари кундалиги.
21.15 «Қишлоқ ҳаёти».
21.35 «Ҳамма кўриши шарт... эмас». Мусиқий-дам олиш дастури.
22.35 «Халқнинг кунгли». Адабий кўрсатув.
23.05 «Ахборот».
«Тунги ёғду» дам олиш дастури:
23.35 «Куй ва тасвир».
23.55 «Макаллум». Бадиий фильм. 7-серия.
01.10—01.15 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Сурур».
10.00 «Ёшлар» телеканалида.
10.05 «Ракурс».
10.30 Сиз севган хонанда: Дилфуза Раҳимова.
10.50 «Ҳудуд». Қўқон шаҳри.
11.15 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал.
12.05 «О, ёшлигим!».
12.25 «Тақдим».
12.40 «Яхши, ёмон йигитлар». Телесериал. Охирги серия.
13.25 Рақслар қанотида.
13.45 «Синбод». Телесериал.
14.30 «Шу куннинг мавзуси».
14.50 «Синема».
16.10 «Жаҳон жуғрофияси».
17.00 «Аёл зоти». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 4-қисм (такрор).
17.30 «Азизим».
17.55 Мусиқий лаҳзалар.
***
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. (Янгиликлар, «Бўш ўтирма», Мультгомоша).
18.40 «Ҳуш келибсиз!».
18.55 Мусиқий лаҳзалар.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 «Ғузал диёр ёшлари».
19.40, 20.30, 22.45 — Эълонлар.
19.45 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Чархпалак». Телесериал.
20.35 «Туйғу».
20.55 «Бизнес академия».
21.10 «Мусиқий хиёбон».
21.30 Интерфутбол.
21.50 «Ёшлар» телеканалида.
21.55 Мусиқий лаҳзалар.
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.25 «Сенинг вақтинг».
22.50 «Синема». «Алдашга уринманг». 2-қисм.
00.20 Хайрли тун!

TV

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Ёрилтош». Мультўплам.
8.20 Дилором наволар.
8.35 «Хобби-холл».
8.55 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
9.40 «Муаллиф».
10.10 «Дардингизга даво...».
10.20 «Яхши кайфият».
10.55 Болажонлар экрани.
12.30 «ТВ ва театр».
12.55 «Кузгу».
13.15—14.00 «Бева Бланка». Телесериал.
* * *
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «ДАРАКЧИ».
18.10 Мультконцерт.
18.30 «Табиат шифохонаси».
18.45 «Қонун ҳимоясида».
18.55 «Ер курраси».
19.20 Мусиқий танаффус.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
20.00 «Олис юлдуз шўъласи».
20.20 Дилором наволар.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Олтин калит» лотереясининг омад тираж.
21.20 «Даллас». Телесериал.
22.10 «Ҳамшаҳарлар».
22.40 «Даракчи».
22.50 Эълонлар ва оҳанглар.
23.00 «Кинонигоҳ».
01.50 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«Халқаро» телеканали

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Кино сайёраси».
9.25 «Тармоқ». Бадиий фильм.
11.25 «Баяр қасри калитлари». Телевизион ўйин.
12.55 «Кросс-Роудс» кафесига хуш келибсиз!».
13.25 «Табиат билан танишув».
13.45 «Инжу», «Алпомиш» достони ҳақида.
14.00 «Биргаликда куйлаймиз».
14.45—15.05 «Умид».
***
17.10-18.45 Туркия телевидениеси
*
18.45 Кўрсатувлар тартиби.
18.50 «Бинафша».
19.10 «Чинсэн».
19.40 «Ғузаллик ва мангулик ҳақида».
20.00 «Тенгдошлар».
20.20 «Тасвир-98».
20.35 «Ассалом, Франция!».
Россия жамоат телевидениеси

02.00-02.05 Тунингиз осуда бўлсин!

ЯКШАНБА 13

«Ўзбекистон» телеканали

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!».
8.00—8.30 «Ахборот».
8.30 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.15 «Шаҳринг озода бўлса...».
9.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Мингбулоқ мамлакати». Премьера.
9.45 «Мозийдан бир муъжиза».
«Умид» намойиш этади:
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Маҳалламиз болалари». Телемусобақа.
12.00 Вилоят хонандалари куйлайди.
12.30 «Нурли келажак».
13.00 «Қишлоқ ҳаёти».
13.20—14.20 «Ўлмас санъаткор». Маннон Уйғур таваллудининг 100 йиллигига бағишланади (ёзиб олинган).
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Ҳа, ҳа, ҳа...». Ҳазил, ҳажв, ҳангома.
18.20 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.40 Эстрада тароналари.
19.00 «Узлик». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.25, 20.00, 20.25, 21.10, 22.15 — Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «Санъат олами».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Обод уйда пок одамлар яшайди». Таҳлилий кўрсатув.
21.40 «Якшанба оқшомида». Мусиқий дам-олиш дастури.
22.20 XIII Осиё ўйинлари кундалиги.
22.35 ТВ—1 намойиш этади. Телеанонс.
«Аср мўъжизаси» кинодастури:
22.50 Кино янгиликлари.
23.05 «Узбек киноси иҳодкорлари».
23.25 «Учинчи қасам». Бадиий фильм.
01.45—01.50 Ватан тимсоллари.

YOSHLAR TELEKANALI

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 Муҳаббат наволари.
10.00 «Бизнес-академия».
10.15 «Лаззат».
10.30 «Ёшлар» телеканалида.
10.35 «Кусто командасининг сув-ости саргузаштлари». Телесериал.
11.20 «Юлдузлар тахти».
12.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Чархпалак». Телесериал.
12.50 Цирк, цирк, цирк.
13.10 Ҳожибой қизиқ: «Танимадинг-а...» 4-кўрсатув.
13.40 «Синбод». Телесериал.
14.25 «Ширин орзулар».
14.45 «Синема».
16.15 Интерфутбол.
17.00 «Аёл зоти». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм. 5 қисм (такрор).
17.30 «Дунё ҳафта ичида».
17.50 Мусиқий лаҳзалар.
* * *
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. («Катта танаффус», Мультгомоша).
18.40 Жаҳон халқлари эстрадаси.
19.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
19.25 Мусиқий лаҳзалар.
19.40, 20.30, 22.40 — Эълонлар.
19.45 «Ўзбектелефильм» намойиш этади. «Чархпалак». Телесериал.
20.30 «Далил ва шарҳ».
20.40 «Кетма, севгилим». Шомаҳмуд Шорахмедов.
21.10 «Бари ҳазил».
21.20 Миллионлар ўйини.
21.35 «Қалб таронаси».
21.55 «Юртим кўрки».
22.00 «ДАВР». Ахборот дастури.
22.25 «Кинопрофи».
22.45 Синема. «Имитатор».
00.35 Жаноб Бин ҳангомалари.
00.45 Хайрли тун!

TV

7.55 Кўрсатувлар дастури.
8.00 «Ёрилтош». Мультўплам».
8.20 «Кичкина деманг...».
8.45 «Сансет Бичнинг муҳаббати ва сирлари». Телесериал.
9.30 «Дурдона».
9.45 «Хориж ҳангомаси».
9.55 Болажонлар экрани.
11.25 «Ёввойи табиат».
11.50 «Нурли мавж».
12.05 «Бева Бланка». Телесериал.
12.50 «Етти иқлим оҳанглари»
12.55 «Спорт оламида».
13.25—15.05 Такрорий фильмлар экрани.
* * *
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 «Мультжумбоқ». Телевизион ўйин.
18.35 «Жавоҳирлар соҳили».
18.55 «Танбур». Телефильм.
19.15 «Латифа».
19.25, 20.00, 20.25 — Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида).
20.05 «Таманно».
20.20 Дилором наволар.
20.30 «Таҳлилнома».
21.10 «Даллас». Телесериал.
21.55 «Талабларингизга биноан».
22.10 «Бир ҳамдард истар кўнгил».
22.35 «ДАРАКЧИ».
22.45 Оҳанглар ва эълонлар.
22.55 «Кинонигоҳ».
00.35 «Хайрли тун, шаҳрим!».

«Халқаро» телеканали

9.00 Кўрсатувлар тартиби.
9.05 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
10.20 «Парле ву франсэ?»
10.45 «Жонли сайёра».
11.00 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
11.10 «Оскар» мукофоти антологияси».
11.25 «Жизи». Бадиий фильм.
13.15 «Шарқона ёдгорликлар».
13.25 «Ҳамкорлик ришталари».
13.40 «Бу ажиб дунё».
13.55-14.15 «Айчурек».
17.10—18.45 Туркия телевидение